Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 151 (4549).
6 ИЮЛЬ 1981 й.
ДУШАНБА.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КОМПЛЕКСЛАШГАН БРИГАДА ҒАЙРАТИ

«Қуйлиқ— 5Б» массиви тобора янги қиёфага кириб бораётган гўзал массивлардан биридир. Бу ерда иш олиб бораётган Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли 1-уйсозлик комбинати 2-қурилиш бошқармасининг З. Фасхиддинов бошлиқ комплекслашган бригада Н. Злобин методи асосида меҳнат қилмоқда.

БУГУН

ана шу комплекслашган бригада мазкур массивда янги беш қаватли, 105 хонадонга мўлжалланган турар жой биносини фойдаланишга тахт қилиб қўйди. Бригада коллективи социалистик мусобақада актив иштирок этиб, КПСС XXVI съезди қарорларини бажариш учун бор имкониятларни ишга солмоқда.

ПРАВДА саҳифаларида

● Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Корея Халқ Демократик Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида Шартнома имзоланганлигининг 20 йиллиги муносабати билан Л. И. Брежнев ва Н. А. Тихонов ўртоқларнинг Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, КХДР Президенти Ким Ир Сенга ва КХДР Маъмурий кенгашининг бошлиғи Ли Ден Окка йўллаган табрикларни эълон қилинган.

● ПБИП Марказий Комитети ва ПХР Министрлар Советининг таклифига биноан қисқа муддатли дўстона визит билан Варшавага келган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико кеча Москвага қайтиб келди. Бугун «Правда»да ана шу визит якунларига доир Совет — Польша қўшма ахбороти эълон қилинган.

ЯНГИЛИКЛАР АХБОРОТ ХУШХАБАРЛАР

◆ ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ КУРГАЗМАСИ
◆ 160 ФАРЗАНД ҚУВОНЧИ
◆ МОСКВА КИНО АРТИСТЛАРИ ТОШКЕНТДА
◆ КАРДОШЛИК ҚОНУНИГА БИНОАН

● ЯНГИЛИК САМАРАСИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

БУГУН

Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси биносида Тошкент шаҳри ва пойтахт области рационализаторлари ва ихтирочиларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Унда, республика маҳаллий саноат министрининг ўринбосари У. Умарбеков, министрлик техника бошқармасининг бошлиғи Ф. Муҳаммаджонов, республика бадиий ҳунармандчилик саноати бирлашмаси бошлиғининг ўринбосари И. Сектель ва бошқалар сўзга чиқиб, техника ижодкорлари н и н г эришган муваффақиятлари ва келгусидаги вазифалари ҳақида гапирдилар.

Ҳозирги пайтда Тошкент шаҳри ва пойтахт области маҳаллий саноат корхоналарида 500 дан зиёд рационализатор ва ихтирочи ишлаб турибди. Улар ўтган ўнинчи беш йилликда барча ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, оғир қўл меҳнатини енгиллаштириш, маҳсулотларнинг сифатини ошириш имконини берадиган 428 та ихтирочилик таклифини ишлаб чиқаришга татбиқ этдилар. Бу янгиликлар натижасида бир йилнинг ўзида 623 минг сўмдан зиёд самара олинмоқда.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИГА — КЕНГ ЙЎЛ

ЮКСАК КЎРСАТКИЧЛАРГА ЭРИШИБ

«Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш партиянинг фаровонликни юксалтириш соҳасидаги куч-ғайратида биринчи даражали аҳамият касб этади».
(Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС XXVI съездида қилган Ҳисобот докладидан).

Бирлашмамизнинг барча цех ва бригадалари ўртасида КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун ўтказилган мусобақа туфайли мажбуриятларни муддатидан илгари бажаришга муваффақ бўлинди. Партия съезди арафасида бошланган социалистик мусобақага ҳар ҳафтанинг душанба куни ишлаб чиқариш-оммавий комиссия томонидан якун ясалиши ҳозирда ҳам давом этмоқда. Цехлар, бригадалар коллективларини рағбатлантириш мақсадида ана шу коллективларда меҳнат қилаётган кишилар сонига қараб кўчма вимпел ва пул мукофоти таъсис этилган. Бу тадбир социалистик мусобақанинг амалийлигини янада ошириб юборди. Социалистик мусобақанинг ҳафталик якуни маҳаллий радио узел, бирлашмада чиқаётган «Швейник» кўп нусхали газета саҳифаларида ёритиб борилмоқда. Социалистик мусобақада ғолиб чиққан бригада шарафига бирлашма территориясида ўрнатилган флагштокда байроқ кўтарилади.

Мусобақанинг шу кунги шиори: москвалик илғор ишлаб чиқариш коллективлари бошлаб берган «Йиллик план — Улуғ Октябрнинг 64 йиллигига!», «1981 йилни ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш йилига айлантирамиз!».

Кўп минг кишилик коллектив ўртасида авж олдирилган ўзаро социалистик мусобақа ижобий самара берди. Буни қуйидаги бир мисолда яққол кўриш мумкин. Коллективимиз беш йилликнинг биринчи йилида планга қўшимча 700 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш юзасидан оширилган социалистик мажбурият қабул қилган эди. Олти ойлик якунида планга қўшимча равишда 350 минг сўмликдан зиёд эркаклар костюмлари, енгил костюмлар, пиджаклар, мактаб ўқувчилари учун кўплаб кийим-кечаклар савдо ташкилотларига етказиб берилди.

Бундай ютуқларга эришишимизда фидокорона меҳнат қилиб келаётган ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, бутун бригада ва цех коллективларининг ҳиссаси катта эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишга тўғри келади. Унлаб-юзлаб илғорлар ярим йилда бир йиллик марраларни эгаллашди. Улар орасида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Вера Владимировна Локтева, Тошкент шаҳар Совети депутатлари — ростловчи Маъфират Ғуломова, контролёр Валентина Петровна Кузмина, Киров район Совети депутатлари С. Асқарова, М. Рустамбекова, Ш. Қудратова, Г. Мўминова, З. Мирзаева, М. Шарипова, Ш. Ризаева, Е. Томановская, Р. Ғуломова, Е. Горбунова, Н. Алимова ва бошқалар бор.

Коммунист-депутат Робия Султонхонова бошлиқ 6-цех коллективи цехлар ўртасида олиб борилаётган социалистик мусобақада доимо етакчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Биз эришаётган муваффақиятларнинг яна бир «сири» шундаки, тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳамма бригадалари Тольятти шаҳридаги Волжск автомобиль заводи коллективи томонидан бошлаб берилган меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақи тўлашнинг бригада формасига тўла-тўкис ўтиб бўлган.

Ўн биринчи беш йиллик ва унинг биринчи йили план топшириқлари муваффақиятли бажарилиши учун асосий омиллардан бири — бирлашмадаги барча цехларни ВАЗ методи асосида меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив бригада формасига ўтказишдан иборатдир. Ана шу тадбирнинг амалга оширилишида бирлашмамиздаги депутатлардан ташкил топган группа алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда.

Халқ депутатларининг хизматлари фақат ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишда, илғор технологияни жорий этишдагина эмас, шу билан бирга ишчиларга унумли меҳнат қилишлари, фаровон турмуш кечиришлари, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун шарт-шароит яратиб беришда ҳам ўз аксини топмоқда. Бирлашмамиз коллективи меҳнаткашларга иш шароити, фаровон турмуш кечиришлари ва дам олишларида яхши шарт-шароит яратиб бериш юзасидан 1980 йилда олиб борилган социалистик мусобақа якунида ғолиб чиққанлиги учун ВЦСПСнинг Дипломи билан мукофотланди. Коллективимиз ана шу мукофотга жавобан меҳнатда эришаётган ютуқларини тобора ошираверади.

Г. АДАЛЕВ,
Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Тошкент шаҳар Советининг депутати.

ПАРТИЯНИНГ ШИОРИ ҲАММА НАРСА ИНСОН БАХТ-САОДАТИ УЧУН, ҲАММА НАРСА ИНСОН УЧУН ЭКАНЛИГИНИ СОВЕТ КИШИЛАРИ БИЛАДИЛАР. БИЛГАНЛАРИ УЧУН ҲАМ ПАРТИЯ СИЁСАТИНИ АСТОЙДИЛ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИЛАР.
Л. И. БРЕЖНЕВ.

Ушбу суратда «Госкомсельхозтехника»нинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли тажриба-механика заводи илғор йиғувчи-слесарлар бригадаси бошлиғи, КПСС аъзоси Виктор Козловскийни кўриб турибсиз. Бу пешқадам ишчи бош бўлган коллектив смена ва ойлик топшириқларини мунтазам ортиғи билан бажариб, кўпчиликка намуна бўлаяпти. Виктор Козловскийнинг ҳалол меҳнатлари муносиб тақдирланмоқда. У III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени кавалери. М. Нуриддинов фотоси.

● *Тошкент—мамлакатга*

ДЎСТЛАР БАҲРАМАНД

БУГУН

Тошкент авиация бўлинмасига қарашли самолётлар мамлакатимизнинг энг узоқ шаҳарларига парвоз қилдилар. Уларнинг бортига пойтахт областининг хўжаликларида етиштирилган сабзавот ва мева маҳсулотлари ортилган.

Шундай қилиб шаҳримиз учувчилари саратоннинг ноз-неъматларини бепоён мамлакатимизнинг олис манзилларига пешма-пеш ташишни авж олдирмоқдалар.

Шу бугуннинг ўзидаёқ Магадан, Петропавловск-Камчатка, Шимолий қутбдаги Шимидт посёлкаси ва бошқа манзилларга ИЛ-18 самолётлари парвоз этди. Уларнинг ҳар бири бортига 12 тоннадан олма жойланган эди.

Пойтахт аэрофлоти савдо бўлимининг бошлиғи Ефим Сергеевич Петросенко бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди:

— Чиндан ҳам учувчиларимиз тиғиз ишламоқдалар. Шу мавсумнинг ўзида биз ҳаммаси бўлиб 8 минг тонна атрофида нозу-неъматларни ташиб беришимиз керак. Куни кечагина ИЛ-76 самолёти 30 тонна олма билан Петропавловск- Камчатка шаҳрига парвоз қилди. ИЛ-18, АН-12 самолётлари эса Ёқутистон пойтахтига бориб келмоқда. Ўзбек деҳқонларининг меҳнатидан Монголия Халқ Республикасининг аҳолиси ҳам баҳраманд бўлмоқда. Улан-Батор шаҳрига олма, карам, эртанги картошка маҳсулотлари етказиб берилди.

● ИШЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

КОРХОНАНИНГ БОЛАЛАР БОҒЧАСИ

Республика Маҳаллий саноат министрлигига қарашли Тошкентдаги «Чевар» тикув ишлаб чиқариш бирлашмасида 1 минг 500 дан зиёд киши меҳнат қилади. Тикувчи хотин-қизларга қулайликлар яратиш мақсадида корхонада бир қатор шароитлар муҳайё этилган. Навбатдаги тадбир чеварларнинг узоғини яқин қилиш мақсадида болалар боғчасини бунёд этиш эди.

Республика Маҳаллий саноат министрлиги боғчани бунёд этиш учун 200 минг сўм пул ажратди. Куни кеча ана шу болалар боғчаси эшиклари тантанали очилди.

Қурилиш ишларини 6-трестнинг 32-бошқармаси олиб борди. Болаларнинг яйраб тарбияланиши учун ҳамма шароитлар муҳайё этиб берилган.

Болалар боғчаси фойдаланишга топширилиши муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда Акмал Икромов район партия комитетининг секретари Д. Низомова, район халқ маорифи бўлимининг мудири А. Йўлчиев, республика маҳаллий саноат министрининг ўринбосари Х. Отажонова, корхона директори Ю. Жабборова ота-оналарни ва қурувчиларни бундай қулай шароит яратилганлиги муносабати билан табрикладилар.

● САНЪАТ МАСКАНИДА

«ҚОРАҚАЛПОҚ ҚИЗИ» ЭКРАНЛАШТИРИЛМОҚДА

Миллий жиҳозлар билан безатилган ихчамгина ўтовнинг ўртасида керосинли лампа милтиллаб ёнмоқда. Чироқ қимматбаҳоли зарбоф тўнларга ўралган кишиларнинг юзини ёритиб турибди.

— Булар ўткинчи гаплар, бизга пулни бер, пулни чўз,— ярим қоронғуликда шундай овоз эшитилмоқда.

— Йўқ, у бунинг уддасидан чиқолмайди,— деб жавоб беради иккинчиси.

Бу воқеалар режиссёр Анатолий Қобулов суратга олаётган «Бўйсунмас аёл» фильмининг лавҳаларидан биридир. Фильмнинг сценарийсини Г. Марьяновский қорақалпоқ адиби Т. Каипбергеновнинг «Қорақалпоқ қизи» романи асосида ёзган. Т. Шокирова —Жумагул, Қорақалпоғистон АССР халқ артисти ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист С. Аллануратова - Гулбика, республика халқ артисти С. Сейтов— Қутимбой ролларини ижро этмоқдалар.

«Ўзбекфильм» киностудиясида режиссёр Равиль Ботиров, «Омон бўлсак кўрамиз» фильмини суратга олиш ишларини ниҳоясига етказмоқда. Фильмда ишчилар синфи ҳақидаги мавзу қамраб олинган. Роллардан бирига театр ва кино артисти Александр Фатюшин жалб этилган.

ҚУРИЛИШ САМАРАДОРЛИГИ ЙЎЛИДА

Бунёдкорлар жавоби

«Уйсозлик, заводсозлик комбинатларини, шунингдек қишлоқ қурилиш комбинатларини янада ривожлантириш ва техника билан қайта жиҳозлаш таъминлансин, уларнинг қувватидан тўлиқроқ фойдаланилсин. Уй-жой қурилишининг умумий ҳажмида йирик панелли ва катта ҳажмдаги блокли уй-жойлар қуриш салмоғи оширилсин».
(«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»дан).

Партиямизнинг XXVI съездида биз бунёдкорлар олдига қўйилган улкан қурилиш программасини муваффақиятли амалга ошириш учун яқинда Тошкент қурилиш Бош бошқармасининг Уй-жой қурилиш тресті базасида бизнинг 4-уйсозлик комбинатимиз ташкил этилди. Янги комбинат асосан тўққиз қаватли уй-жойларни қуришга ихтисослашди.

Комбинатимиз Тошкентдаги турар жой ва жамоат бинолари экспериментал лойиҳа-лаш зонал илмий-тадқиқот институти томонидан яратилган «148» серияли янги уй-жойларни қура бошлади.

Бу уй-жойларнинг афзаллиги шундаки, бу бинолар шаҳримизда ҳозиргача қурилган ва қурилиши олиб борилаётган 5 ва 9 қаватли уй-жойлардаги барча афзалликларни ўзида мужассамлантиради. Уларнинг хоналари кенг, ошхоналар ва балконлар замонавий талабларга тўла жавоб беради.

Ҳозир Юнусобод массивидаги СВ—5 ва СБ—4 микрорайонларида бир нечта шундай уй-жойлар қурилиши олиб бориляпти. Бу биноларнинг асосий қисмини учинчи ва тўртинчи кварталларда фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Шуни ҳам айтиш керакки, комбинат яқинда ташкил этилганлиги туфайли ҳали кўпгина ташкилий масалаларни ҳал этишимиз лозим. Бундан ташқари, йирик панелли уйсозлик заводида янги сериядаги тўққиз қаватли биноларнинг барча комплектларини зарур миқдорда ишлаб чиқариш бўйича муаммоларни бартараф этишга тўғри келяпти. Янги бошқармалар, ишлаб чиқариш техника комплектацияси бошқармасини ташкил этиш ишлари йўлга қўйилди. Ўйлаймизки, ташкил топиш давридаги бу муаммоларни ҳал этиб, бу йил пойтахтимиз аҳолисига қисқа вақт мобайнида 40 минг квадрат метрга яқин уй-жойларни қуриб фойдаланишга топширишдек масъулиятли вазифамизни муваффақиятли бажарамиз. Бу биз тошкентлик қурувчиларнинг КПСС XXVI съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этиш борасида кўраётган амалий тадбирларимиз, съезд қарорларига жавобимиз бўлади.

Б. РОЗИҚОВ.
Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли 4-уйсозлик комбинати бошлиғининг ўринбосари.

САЁҲАТ — РОҲАТ

Экскурсия хизмати яхшиланяпти

«Меҳнаткашларнинг дам олиши ва туризм бутун чоралар билан ривожлантирилсин ҳамда уларни ташкил этиш такомиллаштирилсин. Ота-оналарнинг болалари билан биргаликда дам олиш ва даволаниш имкониятлари кенгайтирилсин. Экскурсия хизмати яхшилансин».
(«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»дан).

Шаҳарликлар дам олишини ташкил этишнинг истиқболли формалари йил сайин ривожланиб боряпти. Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар билан экскурсия хизмати кўрсатиш, путёвкалар тарқатиш бўйича шартномалар тузиляпти. Ҳозиргача 500 га яқин ана шундай шартнома имзолаганмиз.

Коллективимиз аҳолига туризм-экскурсия хизмати кўрсатиш ярим йиллик планини муддатидан илгари бажарди. Аҳолига 3 миллион 227 минг сўмлик ўрнига 3,5 миллион сўмликдан ортиқ хизмат кўрсатилди. 437 минг киши турли экскурсияларга жалб этилди. Тошкентга 21 минг турист меҳмон бўлиб келган бўлса, 35 мингга яқин ҳамшаҳаримиз турли жойларга саёҳатга жўнаб кетди. Бу кўрсаткичларга замон талабларига кўра хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаётганлигимиз туфайли эришдик.

Ўтган йил КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС «Мамлакатда туризм-экскурсия ишини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Қарорда туристик саёҳатлар ва экскурсиялардан меҳнаткашларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун кенг миқёсда фойдаланиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Унда бизнинг навбатдаги вазифаларимиз ҳам белгилаб берилган.

Тошкентлик саёҳат ихлосмандларини шу йилнинг иккинчи ярмида янада қизиқарли маршрутлар кутяпти. Жумладан, 60 га яқин туристдан иборат группа Узоқ Шарқдаги Амур дарёси бўйлаб теплоходда сайр этади. Бундан ташқари Болтиқ бўйи республикалари ва Қора денгиз бўйлаб саёҳатлар уюштирилади. Кўпчилик эътиборини қозонган «Дилором» туристик поезди сентябрь ойидан бошлаб Ўрта Осиё шаҳарлари бўйлаб яна сафарга чиқади. Буларнинг ҳаммаси тошкентликларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришларини ташкил этиш, сиҳат-саломатликларини мустаҳкамлаш учун хизмат қилади.

Р. ВАЛИЕВ,
Тошкент шаҳар саёҳат ва экскурсиялар бюроси директори ўринбосари.

● ТОШКЕНТ — ЖАҲОНГА

БУЮРТМА АСОСИДА

БУГУН

шаҳримиздаги «Компрессор» заводи Куба Республикасига жўнатиш учун ўз маҳсулотларининг навбатдаги туркумини ҳозирлади. 60 та компрессор штамплардан тузилган ушбу туркум дўст республиканинг буюртмаси асосида тайёрланди.

Июнь ойи давомида завод Германия Демократик Республикаси, Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Социалистик Республикаларига 300 га яқин компрессор штамплари жўнатди.

Хорижий мамлакатларнинг завод маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи йил сайин ортиб бормоқда.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

ЭРОН: БОШ ДУШМАН—ИМПЕРИАЛИЗМ

Эрондаги фожиали воқеалар жаҳон жамоатчилигининг эътиборини ҳамон ўзига тортиб турибди. Шу кунларда юз минглаб эронликлар Теҳронда ҳукмрон ислом республикачилар партиясининг қароргоҳида бўлган портлаш қурбонлари хотирасига бағишланган мотам маросимида қатнашдилар. Шу портлаш натижасида партия билан давлатнинг етмишдан зиёд таниқли арбоби ҳалок бўлди. Бу портлаш мамлакатдаги ички сиёсий вазият қалтислигини яна бир бор эслатди.

Эрон парламентининг раиси Али Акбар Ҳошими Рафсанжони мотам митингида сўзга чиқиб, газандалик ҳаракатлари, кескинликни кучайтириш ва бошқа жиноятлар чет элларнинг ишораси билан қилинаётган кенг миқёсдаги фитнанинг бир қисмидир, деб таъкидлади. Унинг айтишича, капиталистлар билан помешчиклар, ағдариб ташланган шох режимининг агентлари ҳамда уларга қўшилган сотқинлар ва ажнабий жосуслар Эрон революциясининг бош душманларидир.

Ҳозирги қийинчиликлар — шу кунларда Эрон халқи бошидан кечираётганларзалар занжирининг давомидир. Эрон революциясининг Америкага ва империализмга қарши сиёсатидан бошқача йўл ўтказилишини талаб қилган Эрон президенти Банисадр ағдариб ташланганига атиги бир неча кун бўлди. «Имом йўлидан борувчи мусулмон студентлар» ўтказган текшириш давомида маълум бўлишича, Банисадр Эрон революцияси бошланишидан бир ой аввалоқ Америка Марказий разведка бошқармасининг ходими Кассейн Розенфорд билан алоқа боғлаган, бу ходим ундан янги ҳокимиятнинг республика органлари ва мамлакатдаги иқтисодий аҳвол тўғрисида ахборот олган. Банисадр Американинг ўрни тагида бўлмаган фирмаси штатига қабул қилинган, бу ерда унга ойлик маош тайинлаб қўйилган. Америка агенти тузган маълумотномада собиқ Эрон президентининг Америкага қарши халойиқ ўртасида айтаётган гапларига қарамай, унинг АҚШ билан ҳамкорлик қилиш учун эшикни очиб қўйишга тайёр эканлиги таъкидланган. Шу ҳужжатда унинг ҳаддан ташқари шахсиятпарастлиги ҳам қайд этилган, Американинг жосуслик маҳкамаси унинг шу хислатидан ўз мақсадларида фойдаланган.

Эрон матбуотининг материалларидан маълум бўлишича, Банисадр Американинг ҳукмрон олигархияси билан боғланган ҳамда у билан тил бириктиришга тайёр бўлган Эроннинг буржуа доиралари вакили эди. Эроннинг собиқ президенти армиянинг хайрихоҳлигига эришиш мақсадида у билан мустаҳкам алоқа боғлаш учун кўп куч-ғайрат сарфлади. Аммо қуролли кучлар Эроннинг имом Ҳумайни бошчилигидаги диний раҳбарларига содиқ бўлиб қолдилар, Ҳумайни эса ағдариб ташланган ва халққа қарши бўлган шоҳ режимининг шериклари билан муросага келишни қатъиян рад қилмоқда.

Банисадрнинг сиёсат саҳнасидан четлаштирилиши ва шундан кейин Ислом республикаси олий раҳбарларига қарши террорчилик ҳаракатлари қилинганлиги Эрон жамиятидаги табақаланишни янада кучайтирди. Аксилинқилобчилар асло қуролни ташламаганликларини ва прогрессив ғалабаларга қарши бевосита ҳужум бошлаш ниятида эканликларини эронликлар алоҳида куч билан ҳис этдилар. Эрон газеталарида босилган хабарлардан маълум бўлишича, АҚШнинг Эрондаги ўз позицияларидан маҳрум бўлганликларига ҳеч чидай олмаётган империалист доиралари реакцион фитналарнинг илҳомчилари ва ташкилотчиларидир. АҚШ давлат секретари Хейг Эронда халққа қарши фитналар ташкил этилишига Қўшма Штатларнинг даxлдорлигини инкор қилган бўлишига қарамай, Эроннинг ахборот органлари аксилинқилобчиларга Вашингтон қутқу солиб турганини тўғридан-тўғри уқтириб ўтмоқдалар. Теҳрон радиосининг Теҳрондаги портлашдан кейин эшиттирган шарҳида Вашингтон ва унинг агентлари фожианинг бош айбдори деб аталди.

Янги Эронга қарши ғаламисликларни кимлар қилаётганлиги тобора яхшироқ тушуниб олинаётганлиги Эрон давлат арбоблари ва матбуотида билдирилаётган фикрларнинг Америкага қарши кескин руҳини белгилаб бермоқда. «АҚШнинг фитналари нақадар шаффқатсиз тус олса, Эрон халқи шу қадар уюшқоқ бўлиб бораверади, — деб уқтирилади радионинг шарҳида. — Америка билан Исроил Эрон революциясининг раҳбарларини ўлдириш йўли билан революцияни чўчита олмасликларини тушуниб олишлари керак. Регионадаги АҚШ ва сионизм таъсири бархам топмагунча Эрон революцияси ўз ишини давом эттираверади».

Эрон революцияси мураккаб ва эгри-бугри йўллардан ривожланмоқда. Қўлга тушмай қолган савакчилар (савак — шоҳнинг махфий полицияси) ва собиқ шоҳнинг бошқа малайлари орасидаги кўпгина душманлар эски тартибларни қайтадан тиклашга, мамлакатни яна империализм мақсадларига хизмат қилдиришга уринмоқдалар. Бироқ, Эрон халқи революциянинг империализмга қарши характери сақлаб қолиниши учун қатъият билан ҳаракат қилаётганини, айни империализмга ва унинг иттифоқчиларига қарши кураш ўз мамлакатининг чинакам мустақиллигини ва порлоқ келажагини таъминлаб беришига ишончи комил эканини яқинда бўлиб ўтган воқеалар кўрсатди.

К. ДУДАРЕВ,
(ТАСС).

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

• *Партия турмуши*

Коммунистлар — авангард

Пойтахтимиз саноат корхоналарида партия XXVI съезди қарорларини изчил амалга ошириш учун қизғин кураш боряпти. Унда коммунистлар авангардлик ролини ўйнамоқда. В. И. Ленин номли электронтехника заводи партия комитети секретари М. РАСУЛОВ корхонада коммунистлар етакчилигида олиб борилаётган ишлар ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

—Съезд белгилаган режаларни амалга ошириш ҳақида сўзлаб, ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съезди ёпилиши вақтида сўзлаган нутқида: «Хўш, бунинг учун нима қилмоқ керак? — деган эди. —Аввало —, юксак масъулиятни сезиш ҳамда қатъий, ҳақиқатан ҳам коммунистик, онгли интизом керак бўлади. Бироқ ўткир зеҳнилилик, янгиликни тинимсиз излаш ва шу янгиликни қўллаб-қувватлаш ҳам жуда зарур, албатта. Доимо ташаббускор —ҳар ерда ва ҳамма ишда ташаббускор бўлмоқ керак». Корхонамиз коммунистлари бу сўзларни ўзларига дастуруламал қилиб олганлар, беш йиллик топшириқларини бажариш учун курашга бош-қош бўлмоқдалар.

Республикамиз ўн беш ишлаб чиқариш илғори бошлаб берган ватанпарварлик ҳаракати кенг қулоч ёйяпти. Масалан, А. Муҳаммедов, А. Умаров, А. Вдовин сингари беш йиллик зарбдорлари бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш учун бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар. Улардан намуна олиб, кўплаб коммунистлар, ишчилар ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини янада оширишга интилмоқдалар.

Ветеран коммунистлар билан бир сафда ёш коммунистларнинг дадил изланиши, меҳнат ғайрати ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Елена Смолякова ёш бўлса ҳам кўпчиликка бош бўлиб, меҳнатда ва жамоат ҳаётида барчага ўрнак бўлмоқда. Уйғув цехи партия ташкилотига етакчилик қилаяпти. Цех коллективи съезд белгилаган режаларни муваффақиятли амалга оширмоқда. Коммунист йиғувчи Манзура Маҳкамованинг номи кўпчиликка маълум. Унга коммунистлар катта ишонч билдириб, Ўзбекистон Компартияси XX съездига делегат қилиб сайлашган эди. У район Советининг депутати ҳамдир. Цех партия ташкилоти бераётган ҳар бир топшириқни сидқидилдан адо этади. Айниқса унинг сиёсий ахборотчи сифатидаги фаолияти диққатга сазовордир. Масалан Ўзбекистон Компартияси XX съездидан олган бой таассуротларини меҳнат коллективлари ҳузурида қизиқарли ва мазмунли сўзлаб, уларни янги меҳнат марралари сари руҳлантиргани ҳамманинг ёдида. Ёки ёш коммунист Вячеслав Кожевовни олайлик. У ҳар бир ишда ташаббускорлиги билан кўпчилик ҳурматини қозоняпти.

Маълумки, ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг бешинчи сессияси партиямиз XXVI съездида илгари сурилган янги Тинчлик Программасининг аҳамиятини зўр куч билан яна бир бор тасдиқлади. Унда совет кишиларининг зарбдор меҳнати партиямиз ишлаб чиққан Тинчлик Программасини амалга оширишнинг пухта негизларини вужудга келтираётгани таъкидлаб ўтилди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг ёрқин, сермазмун нутқи, СССР Олий Советининг «Жаҳон парламентларига ва халқларига» Мурожаатномаси тексти ҳаммамизни Тинчлик Программасини турмушга тадбиқ этиш учун янада сабот билан ишлашга даъват этади. Коммунистлар, барча ишчи-хизматчилар бу Мурожаатномани қизғин қўллаб қувватламоқдалар. Тинчлик ҳаммамизнинг муштарак мулкимиз, фаровон ҳаёт кечиришимиз ва завқ-шавқ билан меҳнат қилишимизнинг биринчи шартидир. Корхона партия комитети коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги авангардлик ролини ошириш масалалари билан ҳар куни жиддий шуғулланар экан, бунда партиямиз съездининг экономикага раҳбарлик қилиш шунчаки хўжалик масалалари бўлмай, сиёсий-партиявий масалалардир деган кўрсатмасидан келиб чиқиб иш тутаяпмиз.

Бизда ёш коммунистларни тарбиялашга, уларда ташаббускорлик руҳини сингдиришга катта эътибор берилмоқда. Елена Смолякова ёш коммунистлар мактабига етакчилик қилмоқда.

Биз, съездда таъкидлаб ўтилгандек, янги инсоннинг камол топтириш билан боғлиқ масалаларга эътиборни қаратяпмиз. Ҳамма меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари, барча коммунистларнинг куч-ғайратини конкрет инсон ҳақида, унинг эҳтиёж ва талаблари ҳақида ғамхўрлик қилишга қаратяпмиз. Бу биринчи даражали партиявий ишимиздир. Айниқса, ишлаб чиқаришда ўзини кўрсатган, ҳар жиҳатдан намуна бўлаётган ёшларни партия сафига қабул қилишга эътиборни кучайтирдик. Масалан, С. Качанова, В. Третьяков сингари ёш меҳнат зарбдорлари КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинди.

Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатини кенгайтириш муваффақиятлар омилидир. Шу кунларда 32 пропагандист, комсомол маорифининг 30 активисти, иқтисодий таълим мактабларининг 110 пропагандисти, коммунистик меҳнат мактабларининг 24 пропагандисти, юзлаб сиёсий ахборотчи ва агитаторлар съезд қарорларини ва ғояларини ҳар бир киши қалби ва онгига сингдирибгина қолмай, балки ўзлари ҳам у белгилаб берган режаларни амалга оширишда активлик кўрсатмоқдалар. Улар орасида Т. Зубкова, М. Бўтаева сингари ёш коммунистлар борлиги қувончли ҳолдир. Корхона клубида улар кўпгина мароқли тадбирлар ўтказмоқдалар. Яқинда идеология активистларининг Тошкент маданият институти коллективи вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди. Идеологик, тарбиявий ишларга комплекс ёндошиш, партия XXVI съезди талаблари асосида партиявий раҳбарлик масалаларига бағишлаб, илмий-амалий конференциялар ўтказилди. Уларнинг барчаси съезд олдимизга қўйган вазифани муваффақиятли бажаришга ёрдам бермоқда. Ўтган ойларда эришилган қувончли натижалар эса ана шундан далолат бериб турибди.

Ҳ. ИКРОМОВ.

СУРАТДА: шаҳримиздаги тажриба пиллакашлик фабрикасининг илғор ишчиси мусобақа пешқадами Жамила Шарипова тасвирланган. У ҳамиша кунлик план-топшириқларини ортиғи билан адо этади.

И. Шоноғомов фотоси.

• *Экономика янгиликлари*

МАВСУМГА ТАХТ

Шўрчи пахта заводининг тўрттала тайёрлаш пункти ҳосилни қабул қилишга тайёрлаб қўйилди. Механизмлар, транспорт воситалари, хирмон кўтариладиган майдонлар ремонтдан чиқазилди. Қуритиш-тола ажратиш цехларидан бири кенгайтирилди. Бу ерда янги янада унумли машиналар монтаж қилинди. Айни маҳалда ошхона ва чойхона, маиший хизмат корхоналари ремонтдан чиқарилди —булар пахта тайёрловчиларнигина эмас, шу билан бирга заводга ҳосил келтирувчи пахтакорларнинг ҳам меҳнат шароитларини яхшилашга ёрдам беради.

Бошқалардан одатда барвақт теримга киришадиган Сурхондарё областидаги 40 та тайёрлаш пунктларидан 30 тадан кўпи терим мавсумига тахт қилиб қўйилди. «Сурхонзаготхлопкопром»нинг қабул комиссияси ремонт ишлари сифатига юксак баҳо берди. Гагарин районидаги «Гулбаҳор» ва «Партия XXVI съезди» совхозларида яна иккита тайёрлаш пункти қуриб битказилмоқда.

ЯНГИ КВАРТИРАЛАР

Одатда бир хонали квартира тақчил бўлиб туради. «Узградострой» бирлашмасининг комбинатлари кўплаб ишлаб чиқаришга киришган кўп қаватли панель уйлар айни шундай квартиралардан иборат.

Фарғонадаги биринчи 80 квартирали корпусга хонадонлар кўчиб кирди, Самарқанд ва Жиззахда бошқа шундай корпуслар монтаж қилинмоқда. Елғиз гражданларга, икки кишидан иборат оилаларга мўлжалланган бу квартираларнинг зарур ҳамма қулайликлари бор: кенг даҳлизи, ошхонаси, балкони ва бошқа зарур жойлари бор. Галерея террасалар панжара типидаги соябонлар билан иҳоталанган.

Йил охирига бориб Урганч, Нукус ва Ангрен уйсозлик комбинатларида ҳам шу туркумдаги уйларни тайёрлаб чиқазиш мўлжалланмоқда.. Беш йиллик охирига бориб эса республиканинг ҳамма областларида ҳам шундай уйлар қурилади. «Узградострой» мутахассислари ишлаб чиққан лойиҳа Магадан, Тбилиси, мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидаги бинокорларни ҳам қизиқтириб қолди: улар бирлашмага техник ҳужжатларни сўраб хат юборишган.

ҚУВВАТ ОШМОҚДА

Урганч ёғ заводининг янги маҳсулотини ортган дастлабки юк машиналари Хоразмнинг магазинларига жўнаб кетди. Корхонанинг кир совун пиширадиган цехи ишлаб бошлади. Завод чигит ёғини тозалашдан оладиган чиқитдан бир кунда 48 тонна ёки бир йилда ярим миллион сўмлик совун пишириб чиқаради. Бу цех билан бир маҳалда мой кислоталарини дистиляция этувчи цех, хом ашё сақланадиган чонлар, тозалаш иншоотлари ҳам фойдаланишга топширилди.

Завод инженерлари иккинчи навбат лойиҳасига қўшимча киритишга қарор қилдилар. Тайёр маҳсулот омборига осма йўл тортиладиган бўлди. Бунинг натижасида ёрдамчи ишчиларнинг қўли бўшайди.

(ЎзТАГ).

СССР Давлат мукофотига номзодлар

Унинг қуроли — кинокамера

Кинооператор Малик Қаюмовни шахсий учрашувимиздан анча олдин, у билан Ўзбекистонда бирга ишлаган ўртоқларимнинг ҳикоялари орқали ҳамда ўзим кўрган унинг фильмлари орқали билар эдим.

Унинг ўзи билан уруш йилларида, Калинин фронтида учрашдик. У билан танишиб, дўстлашдик. Малик фронт ишларини суратга олиш иштиёқи билан Тошкентдан келган эди. Тез орада ишга киришиб кетди. Ўша ондаёқ унинг ҳаракатчан, меҳнатсевар, ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтишга ҳозир киши эканлиги яққол намоён бўлган эди. У фронтда рўй бераётган ҳар бир воқеани юрагига яқин олар, жасур, иродали эди.

Бир куни биз шундай вазиятга дуч келиб қолдик: бўлажак ҳужум олдидан батальон команда пунктига полк командири, полковник келди. Унинг фамилияси ҳозир ёдимда йўқ. Нима ҳам бўлди-ю қўшни ўрмондан немислар ҳужум қилиб қолишди. Кеч қўнгани учун биз суратга ололмас, шунинг учун аппаратларни четга олиб қўйган эдик. Биз Малик билан бирга патронларимизни санаб кўрдик. Пистолетимизни қўлга олиб олдик. Чунки бошқа қуролимиз йўқ эди. Бахтимизга ҳаммаси яхши тамом бўлди. Полковник эса Маликка шундай деди: «Хўш, қадрли оператор дўстим! Мени ўтга киришга буйруқ мажбур қилади. Сен нега суқуляпсан, ахир ўлдиришлари мумкинку!» — «Ахир менинг ишим шунақа, — деди Малик. — Мен одамлар жанг қилаётган жойда бўлишим керак».

Унинг жанговар ишларда иштирок этишга катта иштиёқи яна бир воқеада яққол намоён бўлди. Бу воқеа Белий яқинида рўй берган эди. Биз қўшинлар билан ўзимизнинг «полуторка» машинамизда немислар томонидан ташлаб кетилган мудофаа линияси орқали йўлга тушдик. Йўлларнинг миналардан тозаланишини кутишга вақт йўқ эди. Окоплардан бирига машина тиқилиб қолди. Мен ҳайдовчига ёрдам бериш учун сакраб тушдим. Шу пайт машина ўрнидан қўзғалиб кетди ва танкка қарши минага дуч келиб қолди. «Полуторка» майда-майда бўлиб кетди. Маликни, Ленинград газетаси мухбири Пригожинни, шу машинада бораётган ёзувчи Менковни портлаш туфайли отилган тупроқ ва машина бўлаклари босиб қолди. Уларнинг ҳаммаси оғир контузия бўлган, яраланган эди. Маликнинг оёғи сингани учун госпиталга юборишга тўғри келди. Тузалганидан кейин яна фронтга келди. Биз у билан Белоруссияни озод қилиш операциясида иштирок этдик. Бу ердаги ҳужумлар жуда шиддатли эди. Вазият тез-тез ўзгариб турарди. Фронт линияси қаердан ўтишини аниқлаш ҳам қийин эди. Биз эса жанглар бораётган жойга иложи борича яқинроқ боришга интилардик. Бир куни эрталаб олдинги марраға йўл олдик ва бизга дуч келган полковникдан сўрадик: «Айтингчи, анави қишлоқ бизникими? «—Ҳа, ҳа, уни бизникилар эгаллашди». Биз Малик билан бирга жавдар экилган майдон орқали ўша қишлоққа йўл олдик. Қишлоқда эса немислар бор экан. Улар албатта бизни «яхшигина» кутиб олишди. Менинг ортимда келаётган Малик йиқилди. Мен унинг олдига эмаклаб бордим. Қарасам ўқ унинг оёғига тегибди. Этигини қирқиб, пайтава билан оёғини қисиб боғладим. Уни плащ-палаткага ётқизиб, ўзимиз томондаги жарлик томон судрадим. Бу ерда ҳам мураккаб вазиятга дуч келдик. Бизнинг пиёдаларимиз ана шу қишлоққа томон ҳужумга ўтишди. Аскарлар саф бўлиб, ўқ узганча келишарди. Бахтли тасодиф туфайлигина бизга ўқ тегмади, эсон-омон машинамизга етиб олдик. Шундан кейин Малик оғир ярадор бўлиб, фронтдан қайтиб кетди. Уруш охиригача узоқ даволанди. Бошқа жангга қайтиш имконини топа олмади. Бизнинг ўша пайтдаги биргаликдаги ишимизни хотирлар эканман, у ўзининг операторлик ишига қанчалик улкан масъулият билан ёндошгани ҳақида ўйлайман. Группада ҳам уни ана шу тиниб-тинчимаслиги, ижодий чанқоқлиги, иложи борича кўпроқ қизиқарли материални лентага тушириш истаги учун яхши кўришарди. Унинг кадрлари самимияти, жасорати билан ажралиб турарди. У туширган ленталар хроникаларимизнинг кўпгина журналларига киритилди.

Биз Малик билан кўп йилдан буён дўстмиз. Бу дўстлигимиз ҳамон давом этяпти. Зотан, урушнинг суронли йилларида туғилган қон билан мустаҳкамланган дўстлик ҳеч қачон узилмайди.

Мен бу дўстликни жуда қадрлайман. Малик бугунги кунда ҳам яхши ижодий формада эканлигидан, кўп ва қизиқарли ишлар қилаётганлигидан мамнунман. Унинг сўнгги лентлари — «Паранжи» ва «Ер реформаси» СССР Давлат мукофотига тақдим этилганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Мен унинг номзодини чин дилдан қўллаб-қувватлар эканман, дўстимга янги ижодий ютуқлар тилайман.

А. СЕМИН,
кинооператор, СССР Давлат мукофоти лауреати.

* * *

СУРАТЛАРДА: «Паранжи» ва «Афғонистон: революция давом этади» фильмларидан кадрлар.

ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА

Пешқадамлар сафида

Республика монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг «Узэлектромонтаж» трести бунёдкорлари пойтахтимизнинг кўплаб муҳим объектлари қурилишида катта ютуқларни қўлга киритишмоқда. Трест коллективлари ўртасида социалистик мусобақа кенг қулоч ёйган. Бу мусобақаларда барча ишчи-хизматчилар актив иштирок этмоқдалар. 125 бригада коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли номга эга. 2681 киши эса ана шу муносиб номни олиш учун меҳнат қилмоқда.

Шу сабабли ҳам ўтган беш йилликда кварталлар якунларига кўра трест ўн марта Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқиб СССР ва Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги ва тармоқ қасаба союз комитетининг байроғини олишга муяссар бўлди.

Трест монтажчиларининг қўлга киритган бу ютуқларида айниқса, бригада пудратининг самараси каттадир. 1980 йилда шу методда коллективнинг 86 бригадаси иш олиб борди. Улар ўтган йилги умумий қурилиш-монтаж ишларининг 53,4 процентини бажаришди. Қатор йиллардан бери шу метод бўйича меҳнат қилаётган Тошкентдаги 1-монтаж бошқармасининг коммунист Владимир Сомов етакчилик қилаётган монтажчилар бригадаси ҳар бир объектни муддатидан илгари фойдаланишга топширишга эришмоқда. Трест коллективи эришаётган бу ютуқларда ана шу метод бўйича меҳнат қилаётган М. Ҳамзин, С. Набихўжаев, М. Саидов, В. Радионов бошлиқ пешқадам бригадаларининг ҳам салмоқли улушидан бор.

Коллектив инженер-техник ходимларининг меҳнатга илмий асосда ёндошганликлари ва илғор прогрессив методларни изчиллик билан амалга ошириб, ишлаб чиқаришга тадбиқ этаётганлари туфайли трест катта фойда кўрмоқда. Ўтган йилнинг ўзида В. Путей, В. Гоного, В. Азизов, Ю. Маркович, П. Крайлих каби инженер-техник ходимларнинг топқирлиги туфайли 349 минг сўм, рационализаторлар ва ихтирочилар таклифларидан 1700 минг сўм соф фойда олинди. Шу даврда монтажчилар 49,6 тонна қувур, 61,5 тонна металл, 63,5 километр сим, 39,4 километр кабель, 52,6 тонна ёқилғи ва бошқа кўпгина материалларни тежаб қолишди. Шу йилнинг ўтган даврида ҳам бу коллективлар тежамкорлик соҳасида яхши кўрсаткичларга эришдилар.

Қўлга киритилган бу ютуқлар ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Меҳнат унумдорлигини ошириш, ички резервлардан, илғор методлардан тўлиқ фойдаланиб, социалистик мусобақани кенг авж олдириш туфайли ана шундай ажойиб ютуқларга эришилди.

Н. ФАЙЗИЕВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ПРОГРАММА МАЪҚУЛЛАНДИ

БУДАПЕШТ. Сегед шаҳар кенгаши уй-жойларни иситиш учун термал сув энергиясидан фойдаланиш беш йиллик программасини маъқуллади. Шу программага мувофиқ 1985 йилга борганда шаҳарнинг шимолий қисмида 3 мингтадан кўпроқ квартира ер ости иссиқ суви билан иситиш системасига қўшилади. Сегедда коммунал хўжаликда термал сув энергиясидан фойдаланиш борасида каттагина тажриба орттирилди. 15 йилдирки, Сегеднинг биродарлашган шаҳри — Одесса номидаги микрорайонидаги 15 мингга яқин квартира шу сув билан иситилмоқда. Венгрия халқ хўжалиги кўламида ер ости иссиқ булоқлар энергиясидан фойдаланиш ҳар йили 50 минг тоннадан кўп нефтни тежашга имкон беради.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

ПРАГА. Чехословакиянинг Литомишл шаҳрига 1000 йил тўлди. Шаҳар асрлар давомида муҳим миллий маданият маркази бўлиб келган. Бу ерда Ян Гуснинг дастлабки асарлари нашр этилган, XVIII асрда дастлабки чех театрларидан бири ташкил этилган. Литомишлда буюк чех композитори Б. Сметана туғилган ва яшаган.

Шаҳар аҳолиси ўтмиш маданий меросини авайлаб сақламоқда. Шаҳарда Б. Сметананинг уй-музейи ташкил этилган, миллий маданиятнинг бошқа буюк арбобларига ҳайкаллар ўрнатилган, маҳаллий музейда уларнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги кўплаб ҳужжатлар тўпланган. Шаҳарда тез-тез музика фестиваллари ўтказиб турилади. Бу йил шаҳар юбилейи муносабати билан «Сметана Литомишли» халқаро опера фестивали бўлиб ўтди.

* * *

КОБУЛ. Бу ерда АДР билан ГДР ўртасида иқтисодий, илмий-техникавий ва савдо-сотиқ ҳамкорлиги тўғрисида битим имзоланди. Бу битимга мувофиқ, ГДР Афғонистон пойтахтида энергетика системасини ривожлантириш учун, радио ва телестудияни жиҳозлаш ва қайтадан жиҳозлаш ишида ва бошқа ишларда АДРга ёрдам беради. АДР ҳам ўз навбатида, деб таъкидланади ҳужжатда, анъанавий афғон экспорти товарларини ГДРга кўплаб етказиб беради.

* * *

ДЕҲЛИ. Мамлакатда территорияси жиҳатидан энг катта ҳамда иқтисодий жиҳатдан энг қолоқ бўлган штатлардан бири Мадхия-Прадеш штатидаги кичик шаҳарларни ривожлантириш учун Ҳиндистон ҳукумати қарийб 230 миллион рупия ажратди. Турар-жойлар, магазинлар, маиший хизмат пунктлари, кинотеатрлар ва бошқа маданий муассасалар қуришни кенгайтириш, транспорт ишини яхшилаш кўзда тутилган. Қишлоқ районларини социал-иқтисодий ривожлантиришда кичик шаҳарлар ролини ошириш тўғрисида ҳукумат қабул қилган программанинг бажарилиши ана шу лойиҳани амалга оширишнинг биринчи босқичи бўлиб қолади. Олтинчи беш йиллик (1980—1985 йиллар) плани даврида шу программага мувофиқ Ҳиндистондаги камида 100 минг аҳолиси бўлган қарийб 200 та кичик шаҳар ривожлантирилади.

* * *

ЛОНДОН. Англиядаги 3.300.000 дан кўп турар-жой яшаш учун бутунлай яроқсиз ёки оддий коммунал қулайликларга эга эмас. «Шелтер» Англия ижтимоий ташкилотининг бу ерда тарқатилган докладида шу ҳақда гапирилади. Бу ташкилот Англияда турар-жой проблемасини ўрганиш билан шуғулланади.

Ҳужжатдан кўриниб турипича, мамлакат шимолида ва Англия пойтахтида аҳвол ниҳоятда аянчлидир. Биноларни нормал аҳволга келтириш учун маҳаллий маъмурият органларида маблағларнинг йўқлиги бунинг асосий сабабларидан биридир. М. Тэтчер консерватив ҳукумати уй-жой қурилиши учун маблағларни кескин қисқартириб юборди.

АҚШнинг Вьетнамга қарши агрессиясида қатнашган кўпгина америкалик ҳарбий хизматчилар Пентагон ҳарбийлари томонидан кенг қўлланилган «эйджент орандж» дефолиантининг қурбони бўлдилар.

СУРАТДА: бир группа собиқ ҳарбий хизматчилар — Лос-Анжелосдаги госпиталлардан биридаги норозилик ҳаракати қатнашчилари. Улар Оқ уй маъмуриятидан Пентагоннинг АҚШдаги ваҳшиёна қуролининг қурбонларига медицина ёрдами кўрсатилишини ҳамда Вьетнам халқига қарши жиноятқорона уруш, деб тан олинишини талаб қилмоқдалар.

ЮПИ—ТАСС фотоси.

Китобча қилиб чиқарилди

БРАЗИЛИА. Бразилиянинг «журуа» нашриёти «КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига ҳисобот доклади ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари» мавзуида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев съездда қилган доклад текстини португал тилида алоҳида китобча қилиб босмадан чиқарди.

Л. И. Брежневнинг доклади — янги жамият барпо этиш йўлидан комил ишонч билан олға бораётган совет коммунистлари тинимсиз фаолиятининг далилидир, деб ёзади Бразилия Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари Ж. Диас сўз бошида. Мазкур ҳужжатда СССРни хўжалик жиҳатдан ривожлантиришнинг жуда бой тажрибаси жамланган. СССРнинг мақсади совет халқи учун яна ҳам яхшироқ турмушни таъминлаб беришдан иборатдир.

Ж. Диас СССРнинг ташқи сиёсат соҳасидаги янги тинчлик ташаббусларига юксак баҳо беради. Л. И. Брежнев совет коммунистларининг олий анжуманида олға сурган ана шу ташаббуслар, деб таъкидлади у, инсоният тақдири учун ҳаётий муҳим ташаббуслардир. АҚШ халқлар хавфсизлигига таҳдид қилаётган жаҳон жандарми ролини ўйнашга интилаётган бир пайтда, деб таъкидлайди Бразилия Компартиясининг раҳбари, Л. И. Брежнев совет коммунистлари тинчлик, озодлик ва социал тараққиёт учун изчиллик билан курашишга азм қарор берганликларини айтди.

ТЕРРОР КАМПАНИЯСИ

ТЕҲРОН. Сўнгги 16 ой мобайнида Эронда 48 та портлаш юз берди ва бунинг натижасида юздан кўп киши ҳалок бўлди. Американинг махфий маҳкамалари билан боғланган қўпорувчи группалар Эронда республика тузуми арбобларига қарши ўнлаб террор ҳужумларини амалга оширдилар, деб ёзади Теҳронда чиқадиган «Эттелоот» газетаси. Бу фактлар Америка империализми н и н г «халқаро терроризм» тўғрисидаги сафсатасининг ҳақиқий қиёфасини яна бир карра кўрсатиб берди. Шоҳ режими ҳамда унинг океан нариёғидаги ҳомийлари зулмини ағдариб ташлаган Эрон халқига қарши уруш эълон қилган айни АҚШ террор кампаниясини авж олдириб юборди.

Хунук найранглар

ВАШИНГТОН. АҚШ давлат секретари А. Хейг матбуот учун берган баёнотида Афғонистон теварагида вужудга келган аҳвол хусусида Европа ҳамжамиятлари кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг «ташаббуси» деб аталган ташаббусларни табриклади. Англия таклифи асосида юзага келган бу «ташаббус»нинг моҳияти қандайдир «халқаро конференция» чақиришдан иборат, унинг иштирокчилари — асосан Ғарб мамлакатлари, шунингдек Хитой Афғонистон проблемасини АДР вакилларининг иштирокисиз муҳокама қилишлари лозим эмиш.

Суверен АДРга қарши разилона уруш бошлаб, уни давом эттираётганлиги, масалани сиёсий йўл билан бартараф этишга тўсқинлик қилаётганлиги маълум бўлган Вашингтоннинг бу позициясига сабаб нима? Обзорчиларнинг фикрича, Европа ҳамжамиятлари кенгашининг «ташаббуси» «афғон муаммоси»ни бартараф этиш йўлларини қидиришда бош ва асосий томон бўлган Афғонистон Демократик Республикасини четлаштириб қўйишга қаратилганлиги учун ҳам А. Хейг мана шундай баёнот берган.

Маълумки, Афғонистон теварагидаги аҳволни бартараф этишнинг реал йўли АДР ҳукуматининг 1980 йил 14 май баёнотида кўрсатиб берилган. АДР таклифларининг моҳияти Афғонистон билан унинг қўшнилари, аввало Эрон ва Покистон ўртасида музокаралар ўтказишдан ҳамда СССР ва АҚШ томонидан битим гарантиялари таъминланишидан иборат. Башарти муаммони сиёсий йўл билан бартараф этиш тўғрисида битимга эришилса, бу нарса Афғонистон томони билан келишиб совет қўшинларини Афғонистондан олиб чиқиб кетиш муддатлари ва тартибини белгилашга имкон берган бўлур эди. Афғонистонга қарши интервенциянинг қайтадан бошланмаслиги пухта, гарантияланган бўлиши лозим. «Афғонистоннинг манфаатларига даҳлдор масалалар АДР ҳукуматининг иштирокисиз ёки унинг раъйига хилоф равишда муҳокама қилиниши ва айниқса ҳал этилиши мумкин эмас», деб АДР ҳукуматининг 14 май баёнотида алоҳида таъкидлаб ўтилган.

СССРнинг Афғонистон раҳбарлари тинчлик ташаббуслари хусусидаги позицияси ҳаммага маълум: у Афғонистоннинг тинчлик ташаббусларини актив қўллаб-қувватлаб, бу ташаббусларни умуман региондаги вазиятни нормаллаштиришга ҳам хизмат қиладиган ташаббуслар деб ҳисоблайди, Афғонистон теварагидаги аҳволни алоҳида тарзда ҳам, шунингдек Форс қўрфази хавфсизлиги масалалари билан боғлаган тарзда ҳам бартараф этишда қатнашишга тайёр эканини изҳор қилади. Бунда Афғонистон муаммосининг фақат халқаро жиҳатлари муҳокама қилиниши мумкинлиги табиий.

Демократик Афғонистонга қарши агрессияни кучайтириш эмас ва Ғарбдаги баъзи доираларнинг афғон халқи тақдирини ундан пинҳон тутиб ҳал этиш йўлидаги уринишлари эмас, балки кенг амалий асосдаги музокаралар — регионда тинчликка эришишнинг бирдан-бир йўли эканлиги мутлақо равшан. Бундан бошқа оқилона йўл йўқ.

XX АСР ОВОЗИ

Расул ГАМЗАТОВ, Доғистон АССР

Тоғ элегиялари

Мен ҳам домидаман учқур йилларнинг,
Қувончу ғуссага яшайдирман бой.
Ва юртим ҳокига қўшилиб бир кун,
Чўққилар пойидан оладирман жой
Дунё улкан эрур,
мен ўз умримда
Ўтмадим дўстга зор, ёлғизга ўхшаб.
Кўз юмсам,
эҳтимол мотам кунимга
Турфа эл дўстларим келурлар йўқлаб.
Йўл олиб жанубдан ё Шарқдан шу зум
Ва ёки бегона мамлакатлардан —
Ҳар бири қабримга ўз она юртин
Келтирарлар сиқим тупроғини ҳам.
Майли, метин дўстлик ҳаққи, номимни
Бир дам қайғу билан
ҳурматлашсин ва
Чўққи остидаги мўъжаз қабримни,
Тиклашсин омихта тупроқлар ила.
Аёллар эса,
ҳамд-санолар битиб,
Кўкларга кўтариб ўзим куйлаган,
Ошно булоқлардан зилол сув элтиб,
Ювгайдирлар қабрим тошини у дам.
Олиб келажакдир сайёҳ булутлар,
Туманлар,
кўксини босганча ерга,
Чақмоқлар,
беғараз яроқдек қутлаб,
Йироқ ўлкалардан саломлар менга.
Ва мен келгуси шан қўшиқлар учун
Бир кун қабрим тошин остидан ҳушхол
Ўсиб чиқмагайман мисоли гужум,
Ҳаёт ҳисобида тургум, эҳтимол.

* * *

Тарихда шон қучган португал,
Машҳур сайёҳ Васко да Гама,
Ишқ оролин очмадинг нега,
Кўп можаро бўлар эди ҳал!
Ётибсан сен қабрда бу кун,
Ўнг қўлингда яланғоч қилич.
Бироқ, айт-чи,
ҳақиқат учун
Нажот соҳил тополдингми ҳеч!
Денгизларни забт этган сайёҳ,
Довюраклар сиғинган тимсол,
Дунёга мен,
этайин огоҳ,
Келганман ишқ жарчиси мисол.
Тоғ қизларин куйладим тошиб,
Жонворларни сийладим, шаксиз,
Ҳеч кимсага эгилмас бошим,
Эгадирман аёлга ёлғиз.
Кемаларнинг қўрқмас сардори,
Машҳур сайёҳ Васко да Гама,
Қоядаги чандиқ мисоли,
Шонинг ёддан ўчмагайдир, ҳа.
Лек забткорлар сурури сўнди,
Офтоби ҳам кетмишдир ботиб,
Ишқни тарғиб этажак энди,
Доғистонлик шоир Гамзатов.

М. МИРЗАЕВ таржимаси.

Назрул ИСЛОМ,
Бангладеш

ЎҒРИЛАР

«Ўғрисан!» — деб барча бақирар,
Бу ҳақиқат, лекин тўғримас.
Шу кунларда не-не мамлакат
Ўғрилик-ла кун кўрар пайваст.
Сенинг эса қўлингни кесар
Арзимаган танга деб нокас.
Адолатли ҳакамларимиз —
Виждони-чи, поким уларнинг !—
Порахўрдир тенги йўқ бешак,
Ҳам тенги йўқ бу олғирларнинг
Ҳар ишида панду адоват,
Шўри қурир камбағалларнинг.
Бу омадли димоғдорларни
Ҳамма жойда қилишар ҳурмат.
Аммо қизил тошли қасрдан
Қонларимиз оқмоқда фақат.
Вақти келар, бу хунрезликни
Қонлари-ла ювишар албат.
Не-не одам сўнгги илинжи—
Кулбасидан айрилди шунда,
Заминдорлар зулукдай сўриб
Боймоқда кундан-кун бунда.
Оч-етимлар юпун, яланғоч,
Умри ўтар қоронғу тунда.
Сандиқлари олтинга тўлган,
Тўлиб кетган ҳамёнлари ҳам —
Маишатда туну кун банкир,
Судхўрга-ку, ҳар куни байрам —
Куй ортидан тушган бўридай,
Қонхўр кўзи ялтиллар хуррам.
Обрўлари барчага маълум,
Савдогарлар авлодидан бу.
Бир-бирга тиргакдир доим,
Ўтда ёнмас, сувда чўкмас, кув.
У ҳар қандай пастликка тайёр,
Халқни қўлда тутиш-чун мангу.
Топганингга кўз олайтирар,
Тортиб олар қўймай молингни.
Бола-чақа ҳамда хотининг,
Соғлигингу бурда нонингни.
Ўғридан у каммас, бешбаттар —
Керак бўлса олар жонингни.
Мағрур тургил, вақти келмоқда,
Пайт келмоқда — ушбу ярамас
Ўғирланган молларни олиб
Ҳеч қаерга қочиб кетолмас —
Қўлимизга тушади ахир,
Шайтонвачча ўғрилар абас.
Пайт келмоқда, қасоснинг пайти
Уйғонмоқда таланган жаҳон.
Қароқчи ва босқинчилар-чун
Сўнгги кунлар келмоқда, ишон,
Ғанимларни ўз қилмиши-ла
Қора ерга этурмиз гумдон...
Сенинг эса, кунинг ўтмоқда
Ямоқ кўйлак ичра ҳол-баҳол.
Ким ҳам журъат этар ўғри, деб.
Гуноҳинг йўқ заррача, алҳол —
Ушбу талон-торожлар ичра
Фақат сенсан ҳаммадан ҳалол.

Исмоил МАҲМУД таржимаси.

Ленин комсомоли номидаги Москва театрида саҳнага қўйилган «Революцион этюд» («Қизил яйловдаги кўк тулпорлар») спектакли учун пьеса муаллифи М. Ф. Шатров (суратда) СССР Давлат мукофотига тавсия этилди.

В. Савостьянов фотоси, ТАСС фотохроникаси.

«СОВЕТ АДАБИЁТИ ЧЕТ ЭЛЛАРДА»

Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат халқ кутубхонасида мамлакат ёзувчиларининг VII съездига атаб очилган виставка шундай деб аталади.

Стендларда совет авторларининг инглиз тили ва араб тилида, венгер ва ҳинди тилларида, чех ва пушту тилларида, мўғил ва француз тилларида, вьетнам тили ва болгар тилида, испан тили ва поляк тилида, немис тили ва португал тилида чиққан асарларини кўрасиз... Совет адабиётини ўнлаб мамлакатларда ўнлаб тилларда ўқишмоқда!

Болгария, Венгрия, Англия, АҚШ, ГДР, Финляндия, Ҳиндистон ва бошқа кўп давлатларда М. Горький, А. Фадеев, Е. Евтушенко, Р. Гамзатов, Ч. Айтматов, С. Айний ва В. Шукшин, Г. Абашидзе ва Р. Бобожон, Ф. Абрамов ва М. Бажан асарлари нашр этилмоқда.

Виставкада Ўзбекистон ёзувчиларининг кўп тилларга таржима қилинган китоблари ҳам қўйилган. Ш. Рашидов асарлари — араб, инглиз, болгар, мўғил, румин тилларида, Р. Файзий асарлари вьетнам, чех, немис тилларида, Ў. Умарбеков асарлари чех, болгар, румин тилларида нашр этилган. Чет эллик авторларнинг совет адабиёти тўғрисидаги кўпдан-кўп танқидий ва адабиётшунослик ишлари ҳам бор. Масалан, шарқ халқлари адабиёти бўйича чехиянинг катта мухтассиси Ян Рипканинг «Форс ва тожик адабиёти тарихи» монографияси намойиш этилган. Бу асар ғоят тўлиқ тадқиқот бўлиб, кўпгина тилларга неча бор таржима қилинган.

Венгер адабиётшуносларининг 1967 йил Будапештда чиққан «Янги совет адабиёти» деган коллектив тадқиқотлари ҳам қизиқарлидир.

ГДРлик профессор Гарри Юргеннинг «Совет Иттифоқи халқлари адабиёти» деган китоби энциклопедик руҳдаги асар бўлиб, совет адабиётининг кўп миллатли бойлигини ўз ичига олади.

Китобда ўзбек адабиётининг йўли ҳозирги кунларга қадар батафсил анализ қилинган, йирик ўзбек ёзувчиларининг ижоди ёритилган. Автор китобнинг муқаддимасида бундай деб ёзади: «СССР халқлари адабиётига қизиқиш бутун дунёда муттасил ошиб бормоқда. Ошганда ҳам замонавий ахборот воситаларининг имкониятларидан ўзиб кетмоқда. Ер юзининг турли чеккаларида яшовчи кишилар СССР қардош халқларининг жуда катта маданий хазиналари билан танишишга интилмоқдалар».

(ЎзТАГ).

Ленинграддаги А. С. Пушкин яшаган уй. Шоир кабинетида СССР халқ артисти Михаил Ульянов ўтирибди. Мана у қўлига «Евгений Онегин» романининг биринчи нашрини олади... Ленинград телевидение студиясининг «Евгений Онегин» деб номланган янги иши ана шундай бошланади. Камера орқали биз Михайловское, Тригорское, Петровское, Пушкин давридаги Петербург гўшалари, Нева, Ёзги боғ, саройлар бўйлаб саёҳат қиламиз.

Режиссёр Владимир Геллер бошчилигидаги ижодий группа томошабинни ана шу гениал асар яратилган замон руҳига ошно қилади.

СУРАТДА: М. Ульянов суратга олишдан бўш пайтида Пушкин Давлат заповедигининг директори С. Гейченко билан суҳбатлашмоқда.

Павло ТИЧИНА,
Украина ССР

Александр Пушкинга

Янги шон-шуҳратнинг ёрдуси билан
Қишлоқ, шаҳарларга қўйсан қадам.
Ўша-ўша жасур, жингалак сочли,
Ўшандай навқирон яшайсан ҳар дам.
Юрган йўлларингда йўқ зарра тўсиқ,
Халқ сени эъзозлаб ўқир, бу иқбол.
Сен—бизнинг қувончсан, сен —бизнинг ғурур,

Бизларнинг саломни қабул этиб ол.
Қўшиғинг Озодлик, Ҳақиқат бўлди,
Ўтли сатрларинг асрларга ёр.
Халқ бахтли бўлишин қилгандинг орзу,
Бугун юртинг озод, элинг бахтиёр!
Чинакам меҳнату ижод йўлини
Бизга очиб берди буюк Инқилоб.
Доим олға юргил, олға юр, дея
Партия ўргатди бизга бобма-боб.
Бу янги Россия —жонажон элдир,
Гуллаган, яшнаган чоғидир бугун.
Океан ортида ҳукмрондир тун,
Бизда оппоқ тонглар айлайди мафтун!
Боқ шоир, йўлимиз аниқ ва равшан,
Ҳар ишга қодирмиз, дил тўла қўшиқ.
Бизларда ҳар инсон гўзал, қадрдон,
Келажак уфқимиз бахтга қоришиқ.
Кезиб чиқ жонажон Украинани
Теварак атрофга назарингни сол.
У қора кунлардан кетганмиз йироқ
Энди ҳаёт ўзга, ҳар кун бир иқбол.
Бугун яркирайди мавжли ва тиниқ
Каменка, Тульчин шўх, оқади қувноқ,
Шундай кунларни сен қилгандинг орзу
Кунларки, қуёшдек чарақлар порлоқ.
Боқ Киев, Одесса жамолларига
Бу янги ҳаётда яйрар ҳар одам.
Днепр ГЭСининг қудратига боқ,
Қувониб яшамай бўлурми бу дам!
Эртак ҳақиқатга айлангани рост,
Бу бахтда сенинг ҳам зарра ҳиссанг бор.
Бизнинг далаларда барқ урди кўклам,
Бизнинг далаларда инсон бахтиёр!
Ҳар кун жасоратдир, ҳар кун суронли,
Оламни қоплайди ҳаёт жаранги;
Улуғ Россияга ким қилса бўҳтон
Шеърing пешвоз чиқар, бу ҳаёт тонги.
Бу улкан халқингнинг душманларини
Жазосини берар сенинг тиғ сўзинг.
Раҳна сололмади йиллар бу тиғга,
Доимо мардона ва ғолиб ўзинг.
Сен —доим ҳаракат,
Сенсан ҳайқириқ
Сенинг ҳар бир сатринг нур тўла жаҳон.
У туташ билмайди, чекинмайди ҳам,
У мангу ёшликдир,
Мангу навқирон!
Юракларга сингар нурдай ҳар шеърing
Одамлар ичида мангу яшайсан
Сенинг куч-қудратинг тугамайди ҳеч,
Чироққа ўхшайсан,
Нурга ўхшайсан.
Янги авлодларнинг ният, дилида
Шоирнинг юраги яшар ҳарқачон
Салом сенга, руснинг даҳо инсони,
Сенга мангу шараф,
Сенга мангу шон!

ТЎЛҚИН таржимаси.

Николай ГРИБАЧЁВ,
Ленин мукофоти лауреати

ДЎСТ-НОДЎСТ

Баъзан шундай бўлар: бошда минг ташвиш,
Ғамдан қаддинг камон, дил пора-пора.
У-чи? Елка қисиб, дер: уф, йўқ чора,
Лекин чор-атрофга тарқатар миш-миш.
Бир кун ташвиш бўлиб сенга бегона,
Омад қуши қўниб қолса бошингга,
Телбалардек учиб келиб қошингга,
Дер: мендирман сенга дўсти ягона.

Абдумажид ШОМИРЗАЕВ таржимаси.

ТО ХОАЙ,
Вьетнам Социалистик Республикаси

ҚАРЗ УНДИРУВЧИ

(ҲИКОЯ)

Савдогар Кхе йўғон ҳамда дум-думалоқ бир киши бўлиб, худди буғдой тўлдирилган қопнинг ўзгинаси эди. Бошига ўралган рўмолининг учини атайлаб шундай тугун қилиб боғлардики, унинг учлари худди қўкизнинг қулоғига ўхшаб ликанглаб турарди. Ёш болалар, масалан, буни кўриб унинг бошида шох ўсиб чиқяпти деб ўйлашарди. У ҳамма вақт бир хил кийимда —узундан-узун жигарранг халат ва ниҳоят даражада қаттиқ қалин матодан тикилган иштон кийиб юрардики, агар ит тишласа тишини синдириб оларди. Белига эскиб дабдаласи чиқиб кетган қизил белбоғ боғлаб олар, қўлида эса панжаларнинг қизил изи билан нақшланган хео дарахтидан ясалган асо тутиб юрарди.

Кхе Нгиада қишлоғидаги жамоа уйларининг тош зиналари бўйлаб юриш қилган тонг ҳали вақт жуда эрта, туман энди тарқала бошлаган пайт эди. Бу ҳодиса ўн иккинчи ойнинг йигирма тўққизинчи санаси, йилнинг сўнгги бозор кунида бўлган эди.

Бакдан бу томонларга қишлоқ даласини айланиб ўтиб келадиган йўл бўйлаб бозорга турна қатор одам тизилишиб келарди. Қишлоқ кўчаларида ҳам бозорбошига қараб йўлга чиққан одамларнинг қўланкалари кўзга ташланиб қолди: булар болалар, бир нечта хотин-халаж ва сотиш учун кўппак етаклаб кетаётган бир чол эди. Кўппак ҳадеб юлкиниб тортинар, лекин бўйинбоғдаги занжири мустаҳкам шекилли, эгаси бор кучи билан шошганча итни судрай-судрай йўлга от-оздан барака киритиб борарди. Чол қўлтиғига ҳасса қистириб олганча сипогарчилик билан келаётган савдогар Кхени кўрди-ю, тирақайлаб қочиб қолди.

— Савдогар Кхе ташриф буюрдилар. У шу қадар қаттиқ қичқирдики, ҳатто унинг овозини илгарилаб кетган хотинлар ҳам эшитдилар.

— Кимнинг жонини олгани қадам ранжида қилибдийкин? сўради хотинлардан бири.

Чол бунга билағонлик қилиб жавоб қайтарди.

— Парвардигорнинг амри билан Қайга келяптида, бошқа кимга бўларди? Энди у бундан қутулиб бўпти!

Кхенинг номиёқ бутун вилоят бўйича ҳар бир одамда худди томга келиб сайраган бойқушнинг сайроғидек ноҳуш кайфият пайдо қиларди: айниқса баклик Ба Кхаондан қарздор бўлганларда. Савдогар Кхе Ба Кхаондан қарздор бўлганларнинг бор буд-шудини шилиб оларди, шунинг учун ҳам унга одамлар «қарз ундирувчи» деб ном қўйиб олишганди. Фақатгина шуниси тушунарсиз эдики, одамлар унга савдогар деган лақабни қаердан олиб қўйишганикин, ахир Кхе умри бунёд бўлиб савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланмаган. У неча ўн йиллардан буён Ба Кхаоннинг хизматкори, хўжаси уни ҳар йили йилнинг сўнгги кунлари қарздорлардан қарзлари ва қарзга қўшиб процентларини ҳам ундириб келиш учун жўнатади. Кхе ўз хизмат бурчининг рамзи бўлган ўша асо билан чор атрофдаги қишлоқларни кезиб чиқади.

Савдогар Кхе қишлоқни айланиб юриб, Кайнинг уйи жойлашган жин кўчага бурилди.

Уйнинг на дарвозаси бор эди, на девори. Кхе ҳовлини кўздан кечирди, ҳеч бир жонзотдан дарак йўқ.

Кхе ўпкасини ҳавога тўлдириб чуқур бир нафас олди-ю, бор овози билан чинқирди:

— Ка-ай! Ҳо, Кай!...

Кхенинг чийиллаб чиққан овози бутун қишлоқни тутиб кетди. Лекин Кхе қичқириб бекорга томоғини йиртган эди. Уй эгалари худди ер ёрилиб ерга кириб кетгандай эди.

Кхе уйга кириб кирди ва китоб таҳлайдиган ҳамда ёзув-чизув ашёларини қўйиб қўядиган баланд столга ҳассасини кўндаланг қилиб тираб қўйди-да, ўзи келиб ёғоч каравотга чўзилди. У керишди ва бир неча марта оғзини каппа-каппа очиб хомуза тортди. Кеча кечаси алламаҳалгача карта ўйнаб ўтирди, мана энди уйқу элта бошлади, қовоқлари оғирлашиб, аста-секин кўзлари юмилиб кетаверди...

Кхе ҳар йили йилнинг сўнгги ҳафтасида бозор куни Кайнинг уйига кириб келарди-да, қарзни тўла деб туриб оларди. Қарз ҳам хийлагина эди: ўн донч кумушдан ортиқроқ. Кай судхўрдан ҳеч қачон қарз олмаган, қарзни бир замонлар унинг онаси Ба Кхаоннинг отасидан олган экан. Кампир ўлими олдидан қарз берувчи билан ўғлини юзлаштириб шундай васият қилган эди: «Мен бировнинг пулини еб кетадиган одамлар тоифасидан эмасман. Мана менинг ўғлим, у сўнгги тийинигача қарзни тўлашга қурби етади. Ўғлим, эшитяпсанми...» Шундай қилиб, ҳеч қаерда қайд қилинмаган қарз ва уни тўлаш мажбурияти Кайнинг бўйнига тушиб қолган эди. Ана шундай қилиб тутқинлик унинг ўзи ва бутун оиласининг қисмати бўлиб қолди.

Ҳатто Ба Кхаон савдогар Кхега Кайнинг қарзини эслатиш эсидан чиққан йилларда ҳам қарз ундирувчи тонг ёришар-ёришмас ўзидан-ўзи, ўрганган кўнгил-да, Кайникига кириб келаверарди.

У Кай турган жинкўчанинг қаерида қанақа тош борлигини ёддан билар ва ҳатто Кайнинг уйини кўзини юмиб ҳам топиб кела оларди. Кай билан хотини савдогар Кхедан дағ-дағ қалтирашарди: Кхе истаса чивиқ билан жонини киргизарди ёки истаса бутун қишлоққа шармандаю шармисор қилиб ундан ҳам баттар қиларди. Кхенинг ўз кўчаларига бурилиб бамайлихотир қадам ташлаб келаётганини кўрган Кайнинг хотини ҳар сафар уни дилида алам, юзида табассум билан кутиб олишга уринар, ширинсуханлик билан алқаб таъзим қилишга тушиб кетарди...

— Мана, биз ғарибларнинг хонадонимизга сиздай табаррук зот ташриф буюрди. Раҳм-шафқат қилинг...—кейин худди дуо ўқигандай қилиб бидирлаб гапини аста-секин бошқа томонга бурарди:

— Эҳ, бу йил савдо-сотиқда касод бўлдик. Яна бир яхшилик қилинг, худо хайрингизни берсин, Ба Кхаонга айтинг: унинг давлатлари соясида қарзимизни яна бир йил қўйиб беришларига изн сўрамоқчимиз. Замон ўзгариб боряпти, ахир ҳамма нарса яхшилик томон юз буряпти-ку. Иннайкейин...

Кхе бўлса, аёлнинг қўлида ярақлаб турган икки кумуш хаони кўриб, калласини кокосдан ясалган чўмичга ўхшатиб солинтиради-ю, ўйланиб қоларди. Кейин у шивирлаб тангани оларди, кармонига соларди, кармонни эса, белбоғига тугиб қўярди.

Унинг замон яхшилик томон ўзгарадими, келаси йил қарздор қарзини тўлайдими, йўқми бу билан бир пуллик иши бўлмасди.

II

Кхе уйғонганда кун ботай деб қолган эди. Қуёшнинг нури деворнинг ёриқларидан ўтиб қиялаб ерга тушиб турарди. Кхе «Во дариғ» деб бир-икки керишиб қўйди. Ўзи одати шунақа эди, ҳар сафар керишганда албатта, бир марта фалакка илтижо қилиб қўяди.

Кхе эшикнинг ўрнидан қуёшнинг баркашдай қизариб дум-думалоқ бўлиб қолганини кўрди. У уфқда ерга тегай-тегай деб турарди. Уй бўлса, ўша-ўша бўм-бўш, уйгина эмас, бутун қишлоқ аҳли ер қаърига кириб кетгандек. Фақатгина ҳовузнинг четида икки хотин шанғиллашар ва пальма дарахтининг устида ҳали тушиб улгурмаган барглар шитирлашарди. Узоқ-узоқларда эса одамлар тўдасининг ўқтин-ўқтин хўрсинишга ўхшаш шодиёна товушлари элас-элас қулоққа чалинади.

Кхе ҳовлига назар ташлаб, бангидевонанинг шохлари орқасида биқиниб турган сап-сариқ итни кўриб қолди. Ит бечорахол, орқадан орик қовурғалари — уларни санаш мумкин эди, — ўйнаб чиқиб кетган эди.

— Буни қара-я, — минғирлади у. — Ҳатто уларнинг итлари ҳам очликдан ўлар ҳолатга келиб, сўлакайини оқизиб ётибди. Яхши кунга ярайдиган бирон нима топилиб қолса чакки бўлмасди, ашқал-дашқолни кўтариб туёқни шиқиллатаман!

Оқшом чўкиб, атрофни қоронғилик боса бошлади. Уйига бориш ва байрам тадоригини кўришдан илгари у ҳали муҳтарам Ба Кхаонга кўриниш бериш ва аҳволни батафсил тушунтириши ҳам лозим эди.

Кхе яна бир марта, лекин бу сафар ниҳоятда синчковлик билан қўлга илинадиган бирон нима бормикин дея уйга назар ташлаб чиқди. Шалоғи чиққан тахта каравот, қийшиқ оёқли жавон, ота-боболаридан қолган муаттар таёқча қўйиладиган кичкина косачали меҳроб. Деворда солҳа тортилган ипга осиғлиқ бамбук ғилоф турибди. Унинг ичи бўм-бўш. Гўё мана бу қашшоқлик ва йўқлик ўз комига олган хонадонга Янги йил умуман кириб келмайдиганга ўхшарди.

Лекин савдогар Кхе жуда ишнинг кўзини биладиган одам эди. У меҳробдан косани юлқиб олди-да ичидаги қумни қоқиб ташлади. Кейин девордан бамбук ғилофни кўчириб олди, уни ҳасса билан бир қўлига ушлади, қўлтиғига чинни косани урди-ю, ҳовлидан чиқди.

Чорраҳага етиб борар-бормас ҳовлиси тўсиқ билан ўралган қўшни уйнинг олдида тўхтади.

— Ҳов ким бор! — қичқирди у. — Қани, бир дақиқа бу ёққа чиқ-чи!

Тўсиқ орқасидан аёл киши мўралади.

— Мана бу Кай деганлари қаёққа гумдон бўлди, айтиб беролмайсизми?

— Бозорга кетган бўлса эҳтимол.

— Эр-хотин иккаласи тонг саҳардан шу пайтгача бозорда нима қилиб санғиб юришганикин?

— Кай холанинг у дунёга равона бўлганигаям, мана бир ой бўлиб қолди, — кулди қўшни аёл. — Бундан чиқди бозорда эрнинг бир ўзи санғиб юрган бўлади-да.

Кхе бунга сираям ажабланмади ва бир оз сукут сақлаб тургандан кейин деди:

— Сиздан илтимос қилардим, у бозордан қайтганда савдогар Кхе келган эди, бамбук ғилоф билан косани олиб кетди деб айтиб қўйсангиз. Эски қарзи юзасидан бирон нима олмай кетай десам, бунда у ўз қасамини бузган бўлади. Унда боболарнинг руҳи. Янги йил куни уникига қадам ранжида қилмай қўймасин деб қўрқаман.

Кхе шундай деб билтанглаб йўлга тушди.

Бирдан у бир нарсага қоқилиб гандираклаб кетди. Бундоқ қараб боя кўрган сариқ итга қоқилганини билди. Савдогар Кхе қаттиқ ранжиди, бир сўкинди-ю, ит қопган ерларини кўздан кечира бошлади: итнинг тишлари қўлига сал-пал ботибди, ўша машҳур иштонининг шарофати билан оёқларини озгина тирнаб кетибди, тиш кирган ерда майда-майда қон томчиси кўринди.

Оқшом совуқ эди. Савдогар Кхени қалтироқ босди.

III

Кай уйига қайтиб келганида тун зимистон эди. Кай уйга кириши билан қандайдир қўланса бир ҳид димоғига урилди. У чироғини олиб келиш учун қўшнисиникига югуриб кетди. — Кай савдогар Кхе келиб қолишини юраги сезиб чироғи билан бирга бир хурма гуруч ва чилимини қўшнисиникига чиқариб қўйган эди. Кай чироқни ёқиб уйга қайтиб келди. Унинг топган-тутганини қўшниларникига олиб чиқиб яшириб қўйиши биринчи марта содир бўлаётгани йўқ. Қўшнилари ҳам унга нарсаларини қайтариб беришаркан ҳар сафар Кхе нима деб кетган бўлса, барини оқизмай-томизмай сўйлаб беришарди.

Кай қарз ундирувчи ғилоф билан косани олиб кетганини эшитиб бир ғижиниб қўйди-ю, лекин индамади. Калласини қуйи солганча уйига қайтиб келди. Лекин орадан бир оз вақт ўтгандан кейин қўшниларникига яна чиқиб, деди:

— Билдингларми, у бутун уйимни ҳаром қилиб кетибди. Ғилоф билан косадан ташқари касал бўлиб ётган итимни ҳам олиб кетибди.

— Шу қадар ҳам пасткашлик бўладими!

— Йўғ-е, — тўсатдан орага суқилди қўшни хотин, — олдида кучук кўрмадим шекилли.

— Жим, — деди унга эри, — бўлмаса, итни ким олиб кетади?

— Ана мусибат!—хўрсинди Кай, —энди ўғлим иккаламиз Янги йилда гўштсиз қоладиган бўлдик...

IV

Янги йилнинг еттинчи кунида, байрам лангарчўплари[1] йиқитилган пайтларда савдогар Кхе оёқда туролмайдиган бўлиб роса ичди. У ўғлининг дилини хуфтон қилди, хотинини сўкди ва кейин кўрпачага узала тушди-ю, хурракни ота бошлади...

Лекин озгина ухлар-ухламас, тўсатдан уйғониб кетди. Кайф ҳеч қачон унинг калласини авваллари бу даражада айлантириб юбормаган эди. Кхе тирсаклаб бир амаллаб ярим турди, лекин шу заҳоти тирсаклари букилиб ўрнига яна ағдарилиб тушди. Тўсатдан тутган чангак аъзойи баданини зирқиратиб оғритарди. Бу ҳолат устма-уст яна бир-икки қайтарилди. Кхе оғриқнинг зўридан қичқирар ва додларди. Ҳаво салқин бўлишига қарамай қора терга тушиб кетди.

— Ҳозироқ эшикни ёп! — қичқирди у хотинига. — Ёп, эшитяпсанми! Шу лаънати шамол ҳам жонимни суғуриб олай деяпти!

Унинг бутун вужуди ўт бўлиб ёна бошлади. Баданининг чангак бўлиб тиришиши борган сари кучаяверди; билмай қолиб бирон аъзоси — оёғи ёки қўлини қимирлатиб қолса борми, ўша аъзоси диркиллаб ўйнаб кетарди.

Қўрққанидан эсини йўқотиб қўйган хотини уй ичида гир айланарди, нима қилишини билмай дам ҳовлига чиқар, дам уйга кирарди.

Кечга бориб унинг тортган азобларини кўриб, хотини тоқат қилиб туролмади. Бозорбошига югуриб бориб табибга йўлиқди.

— Ёмон мусибатга қолибсиз! — деди табиб унинг гапларини эшитаркан калласини сарак-сарак қилиб, бир оз жим тургандан кейин қўшиб қўйди:

— Эрингизни, афтидан қутурган ит қопганга ўхшайди. Қани юринг тезроқ кўрайлик-чи, эҳтимол мен адашаётгандирман.

Лекин хотин уйга қайтиб келганда эрининг аҳволи баттар оғирлашган, қадимги савдогар Кхедан асар ҳам қолмаганди. У ақлдан озиб, эгнидаги кийимларини тарра-бурра қилиб ташлади ва қип-яланғоч бўлиб қолди. Лекин энди совуқни ҳам сезмай қўйди. Кхе хотинини кўриб унга ташланиб қолди: хотин уйдан қочиб чиқиб зўр-базўр эшикни беркитиб олди. Кхе бўлса сирғаниб, худди пальмадан кокос узилиб тушгандай гурсиллаб ерга қулаб тушди. У эртаси оламдан ўтди. Ўлганда ҳам жинни бўлиб, чангали билан бўғизини йиртиб ташлаб ўлди.

Хотини билан ўғли уйга киришга қўрқар, аҳён-аҳёнда ичкарига мўралаб қўйишарди.

Уларникига ҳамдардлик билдириш учун юрак ютиб ҳеч ким келолмади. Муҳтарам Ба Кхаон бўлса Кхенинг ўлганини эшитиб, марҳумнинг бевасига арзонгина тобутнинг пулини берди.

Марҳум кўмиладиган кун тўртта ҳаммол тобутни елкалаб қишлоқдан ташқарига олиб чиқиб кетди. Тобутнинг орқасидан эса, унинг хотини секин-аста пиқиллаб йиғлаб борди. Ёнида эса нари-бери кийиниб олган ўғли кетди. У йўлма-йўл ўзича отасига ўхшаган барваста ва норғил бўлишига аҳд қилиб борарди. Лекин ҳали у тиш кавлагич — мисвокка ўхшаш орик ва қилтириқ эди.

Русчадан
Тўлқин АЛИМОВ таржимаси.

1—Байрам лангарчўплари—Янги йил олдида қишлоқ уйларининг олдига турғазиб қўйиладиган хода. Ходага яримой шаклидаги бонч сополдан ясалган балиқ ва ҳар хил ҳайвонларнинг шакллари осиб қўйилади.

ТОШКЕНТ СПРАВКАЛАР БЮРОСИ
ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

О. ҒАНИЕВ: Мен ўзим мустақил равишда автомобилни ҳайдаш сирларини ўрганиб олдим. Айтингчи, энди мен давлат автомобиль инспекциясига бориб имтиҳон топшириш ҳуқуқига эгаманми?

Жавоб: Йўқ, бундай ҳуқуққа эга эмассиз! Ҳар қандай ҳолатда ҳам сиз автомобиль мактабида ёки шаҳримиздаги район ДОСААФларининг спорт-техника клублари қошида ташкил этилган махсус курсларда ўқув курсини тугаллашингиз керак. Фақат ана шундан кейингина Сизга давлат автомобиль инспекциясида имтиҳонларни топширишга рухсат этилади.

* * *

М. РАҲИМОВА, М. ИСЛОМОВА ва бошқалар: Бизларга бир масалада маълумот берсангиз: қариндош ва бошқа шахслардан ундириладиган алиментлар миқдори қанча бўлиши керак?

Жавоб: Қариндош ва бошқа шахслардан вояга етмаган болалар учун, шунингдек вояга етган ёрдамга муҳтож меҳнатга лаёқатсиз шахслар учун ундириладиган алиментнинг миқдори суд томонидан, алимент ундирилаётган шахснинг ва алимент олаётган шахснинг моддий ҳамда оилавий аҳволини ҳисобга олиб, ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади.

Алимент миқдорини белгилашда, талабнинг алимент тўлашга мажбур шахсларнинг ҳаммасига ёки уларнинг бир нечасига ёхуд фақат биттасига қилинган бўлишидан қатъий назар, ўша шахслар ҳисобга олинади.

* * *

Ш. ЖУМАБОЕВ: Қўшиқ санъатига жуда қизиқаман. Шунинг учун ҳам хонадаларимиз айтган энг яхши қўшиқларни магнит лентасига ёздириб олмоқчи эдим. Шаҳримизда шундай, ёзувларни бажариб берадиган студиялар борми? Шуларнинг адресини берсангиз.

Жавоб: Овоз ёзадиган Марказий студия шаҳримизнинг Полторацкий кўчасидаги 29-уйда жойлашган «Ўзбекистон» маиший хизмат кўрсатиш уйида бўлиб, бу ерда турли ёзувлар бажарилади. Овоз ёзиш студиясида Сиз юборган буюртма бўйича магнит лентапарига ёқтирган куй ва қўшиқларингиз ёзиб берилади. Бажарилган буюртмага қанча пул тўланиши лозимлиги ҳисоблаб чиқилгач, у Сизнинг адресингизга юборилади.

Бундан ташқари шаҳримизда овоз ёзадиган яна бир қанча студиялар бор. Жумладан, ана шундай Марказий студияларнинг филиалларидан бири Кафанов кўчасидаги 65-уйда, Қорасув бозорида, Фарҳод ярмаркасида, Марказий бозордаги маиший хизмат кўрсатиш шахарчасида, Навоий кўчасидаги 16-уйда, Ҳадра майдонида, Олой ва Собир Раҳимов бозорларида ҳам жойлашган.

* * *

К. РАЖАБОВ: Парашют спорти билан шуғулланмоқчи эдим. Шаҳримизда парашют спорти секцияси борми?

Жавоб: Парашют спорти билан шуғулланмоқчи бўлсангиз Сиз аэроклубга учрашинг. Бу аэроклуб Халқлар Дўстлиги проспектидаги 28-уйда жойлашган. У ерга метрода бориш айниқса қулайдир.

* * *

Ф. РАУПОВА: Ўғлимиз самбо кураши билан шуғулланишга қизиқади. Ўзимиз эса Қорасув массивида турамиз. Биз истиқомат қилиб турадиган жойга яқинроқ ерда шундай спорт секцияси борми?

Жавоб: Сизнинг ўғлингиз самбо кураши билан шуғулланмоқчи бўлса «Динамо» стадионидаги шундай секцияга бориб учрашсин. У «Гулшан» истироҳат боғи атрофидадир.

ЖАҲОН КИНО САНЪАТИ КЎРИГИ

7 июлдан 21 июлгача ўтадиган XII Халқаро Москва кино фестивалида 95 мамлакат шу жумладан БМТ, ЮНЕСКО, Фаластин Озодлик ташкилоти ҳамда Чили ватанпарвар кучларининг кинематографиячилари қатнашадилар. СССР Давлат кинематография комитетида бўлиб ўтган матбуот конференциясида шу ҳақда маълум қилинди.

Барча қитъаларнинг киноусталари конкурсда, конкурсдан ташқари кўрсатиш ва информацион кўриклар учун 500 тадан кўп фильм таклиф этдилар. Бу нарса жаҳон кинематография жамоатчилиги «Киносанъат гуманизми учун, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун!» деган сўзларни шиор қилиб олган конкурсга ғоят қизиқиб қараётганликларидан далолат беради, деди фестиваль ташкилот комитетининг раиси Ф. Т. Ермаш.

Тўлиқ метражли бадиий фильмлар асосий конкурс программасига киритилган ленталар ҳозирги дунё ҳаётининг кенг манзарасини, халқларнинг социал-тараққиёт учун, янги уруш хавфига қарши курашини томошабинларга намоён этади. Совет Иттифоқи конкурсга «Теҳрон-43» ва «Жамол дарахти» картиналарини тақдим этди. Режиссёр С. Ростоцкий фестиваль бош жюрисига бошчилик қилади.

Қисқа метражли фильмлар катта программаси 70 та лентани ўз ичига олади. Болалар фестивали анъанага кўра ёш томошабинлар учун ҳақиқий байрам бўлади. Улар театрлаштирилган томошаларда, расмлар конкурсида, ёзувчилар, режиссёрлар, актёрлар билан учрашувларда қатнашадилар.

Пойтахтнинг ўнта энг яхши залида ўтадиган кинобозорда фирмалар ва кинокомпанияларнинг юзга яқин вакиллари қатнашиш истагини билдирдилар.

Редактор ўринбосари
С. Б. ЁҚУБОВ.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ УМУМИЙ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ БИТИРИБ ЧИҚУВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

СИЗЛАРНИ 1981—82 ЎҚУВ ЙИЛИДА
ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ СИСТЕМАСИДАГИ

ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИГА

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ҲОЗИР СИЗЛАРНИНГ ОЛДИНГИЗДА ҚАТЪИЙ БИР МАСАЛА КЎНДАЛАНГ ТУРИБДИ: «КЕЛАЖАКДА ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТАНЛАШ КЕРАК?», «ҚАЕРГА ЎҚИШГА БОРИШ КЕРАК?», «ҚАНДАЙ КАСБ ТАНЛАШ КЕРАК?», «ҲАЁТДАГИ ЎЗ ЎРНИНГНИ ҚАНДАЙ ТОПИШ КЕРАК?». БУ САВОЛЛАРГА СИЗ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИГА ТАШРИФ БУЮРГАЧ ЖАВОБЛАР ОЛИШингИЗ МУМКИН.

Мамлакатга ишчи қўллари зарур! Завод ва фабрикалар, қурилишлар ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари турли хил касбдаги юқори малакали мутахассисларга муҳтож.

ШАҲРИМИЗДА 51 ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ МАВЖУД БЎЛИБ, УЛАРДА 125 ХИЛ КАСБ БЎЙИЧА 35 000 КИШИ ТАЪЛИМ ОЛМОҚДА.

КЎНГЛИНГИЗГА ЁҚҚАН КАСБНИ ТАНЛАНГ!

139-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

8— 10 синфни тамомлаганларни ўзбек ва рус группаларига қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқишга қабул қилади:
заргар, чиннига гул солувчи, чиннига шакл берувчи, чиннини сараловчи, слесарь-механиклар.
Ўқиш муддати— 3 йил.
Билим юртига 15 ва ундан катта ёшда бўлган, 8— 10 синфни битирган йигит ва қизлар қабул қилинади.
Ўқиш муддати — 8 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган ёшлар учун 3 йил.
Ўқишга қабул қилинганлар қийим бош ва уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар.
10 синфни тамомлаганлар учун ўқиш муддати 1—1,5 йил. Уларга стипендия берилади. Ишлаб чиқариш практикаси вақтидаги иш ҳақининг 33 процента тўланади.
Билим юртини битирганларга ўрта маълумот ҳақида ҳамда танланган мутахассислик бўйича диплом берилади.
Билим юртини аъло баҳода битирганлар олий ўқув юртига имтиҳонсиз қабул қилинади.
Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.
Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
Ўқиш 1 сентябрдан бошланади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Сарбон кўчаси, 17-тупик, 4-уй (38, 49, 59, 76, 116-автобусларнинг «Қўштут» бекати).

Қизил Байроқли, Меҳнат Қизил Байроқ орденли

31-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Билим юртига 15, 16, 17 ёшдаги ва Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган йигитлар қабул қилинади.
Билим юрти темир йўл транспортида ишлаш учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлайди: ТЕПЛОВОЗ МАШИНИСТИ. Ўқиш муддати 2 йил (фақат Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилганлар қабул қилинади), **стипендия ойига 72 сўм; ТЕПЛОВОЗНИНГ ҲАРАКАТДАГИ СОСТАВИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ. Ўқиш муддати— 1 йил. Стипендия 30 сўм. Маълумоти 10 синф ҳажмида бўлиши керак.**
8-синф ҳажмида маълумотлилар: ТЕПЛОВОЗ МАШИНИСТИ ЕРАМЧИСИ, ЭЛЕКТРОВОЗ МАШИНИСТИ ЕРДАМЧИСИ, ТЕПЛОВОЗНИНГ ҲАРАКАТДАГИ СОСТАВИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, ЭЛЕКТРОВОЗНИНГ ЭЛЕКТР ҚИСМИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ-ЭЛЕКТРИК, ТОВАРЬ-РЕВОЛЬВЕРШЧИК, ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ. Ўқиш муддати 3 йил.
Таълимнинг 3 йиллик муддатини битирган ўқувчилар ўрта маълумот тўғрисида диплом оладилар ва мутахассисликни эгаллайдилар.
Билим юртини «аъло» баҳода битирганларга олий ўқув юртларига имтиёзли шароитда кириш ҳуқуқи берилади.
Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

Билим юртига қабул қилинганлар 3 маҳал бепул овқат ва махсус кийим-бош билан таъминланадилар. Билим юртини битирганлар темир йўл транспорти ишчилари фойдаланадиган барча имтиёзлардан, шу жумладан Совет Иттифоқининг исталган пунктига етиб бориш учун бепул билет олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.
Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.
Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳри— 74, Ҳамза райони, Слоним кўчаси (15, 23, 61-автобусларнинг «Замарин кўчаси» бекати, 8, 21, 48, 80«э» автобусларнинг «Котельная» бекати). Маълумотлар олиш учун телефон 96-34-90.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ
216-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Билим юрти қуйидаги касблар бўйича малакали ишчилар тайёрлайди: пўлат ва темир-бетон конструкцияларини монтаж қилувчи монтажчилар, дурадгорлар, қўлда пайвандловчи, электр пайвандловчилар (Ўқиш муддати 1—3 йил), қурилиш бўёқчилари (ўқиш муддати 3 йил), автомобилларнинг, электр қисмини ремонт қилувчи слесарлар.
БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Билим юртини битирганлар ўзлари танлаган мутахассисликлари бўйича берилган разряд билан бирга ўрта маълумот тўғрисида диплом ҳам оладилар.
Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.
Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
Ўқишга қабул қилинган 8-синф ҳажмида маълумотлилар кунига уч маҳал бепул овқат, формали кийимлар ва махсус кийимлар билан таъминланадилар.
10-синфни битирганлар ҳар ойда 30 сўм миқдорида стипендия оладилар. Булардан ташқари ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасида ишлаган иш ҳақларининг 50 процентини мукофот тариқасида оладилар.
Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ўрта маълумотли йигитлар учун қуйидаги ихтисослар бўйича беш ойлик курслар ташкил қилинади: қурилиш дурадгори, дурадгор, қурилиш бўёқчиси. Курсларни битирганларга 3, 4 разряд берилади. Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.
Билим юрти қошида танлаган касблари бўйича тўгараклар мунтазам равишда иш олиб боради. Бадиий ҳаваскорлик ва спорт секциялари мавжуд.
Ўқувчилар ёзги каникулни Чимёнда жойлашган лагерда ўтказишлари мумкин. Зарур бўлганлар санатория ва дам олиш уйларига юборилади.
Спорт комплекси базасида дзюдо ва каратэ бўйича район спорт секциялари ишлайди.
Аълочи ўқувчилар «В» ва «С» категорияли автомобиль хайдовчиларини тайёрлайдиган 6 ойлик курсларда ўқишлари мумкин.
Билим юртини аъло баҳолар билан битирган ўқувчилар техникум ва олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма оладилар ҳамда киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.
Ўқиш — 1 сентябрдан бошланади.
АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (дам олиш кунидан ташқари) СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳри, Юнусобод массиви, А—4 (25, 28, 29-трамвайларнинг сўнгги, 24-автобуснинг «А—4» бекати).

178-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Билим юрти метрополитен қурилиши учун малакали мутахассисларни тайёрлади.
Билим юртига 15 ва ундан катта ёшдаги 8—10 синф маълумотидаги йигит ва қизлар қуйидаги ихтисосликлар бўйича ўқишга қабул қилинадилар: **ер юзасида ишловчи проходкачи, қўлда пайванд қилувчи электр пайвандчи, облицовкачи, плитачи-кошинкор, қурувчи-бўёқчи, проходка бўйича электр слесарь, сантехник-слесарь, газ пайвандчи, дурадгор, тош йўнувчи-гранитчи.**
Ўқиш муддати—1 йил ва 3 йил; ер юзаси ишлари проходкачиси, автомобиллар ремонти бўйича слесарь, ўқиш муддати—1 йил.
Ўқишга қабул қилинганлар 3 маҳал овқат, кийим-бош, шунингдек ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 процента билан таъминланадилар.
Ўқиш даври меҳнат стажига киради.
Билим юртини уч йил муддат билан тамомлаганлар диплом, 1 йил муддат билан тамомлаганлар эса билим юртини тамомлаганлиги ҳақида аттестат оладилар. Ўқишни аъло баҳолар билан битирганлар имтиёзли равишда транспорт қурилиши министрлиги олий ўқув юртларига кирадилар.
БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР «ТАШМЕТРОСТРОЙ» ТРЕСТИ ХОДИМЛАРИГА БЕРИЛГАН ИМТИЁЗЛАРДАН, ЖУМЛАДАН, ТЕМИР ЙЎЛДА БЕПУЛ ЮРИШ ҲУҚУҚИДАН ФОЙДАЛАНАДИЛАР.
Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.
Билим юртида спорт секциялари, вокаль-чолғу ансамбли, ўзбек миллий ансамбли, дискотека, ишлаб турибди.
АРИЗАЛАР УМУМИЙ ҚОИДАЛАР АСОСИДА (имтиҳонларсиз) ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор массиви, Д—20 квартали («Чилонзор» метро станцияси, у ёғида 50, 78, 29-автобуслар, 6, 11, 19-троллейбуслар билан ҳамда 21-маршрутли такси билан «Ётоқхона» бекатигача борилади).

9-ШАҲАР ПОЛИГРАФЧИЛАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Билим юрти корректорлар, полиграфия асбоб-ускуналарини созловчилар, автоматларда тикувчилар, саралаш-тикиш машиналарининг машинистлари, ҳарф теруючилар, линотипистлар, печатниклар, ўрта маълумотли муқовасозларни тайёрлаб чиқаради.
8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15—18 ЁШЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.
Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳар, Чилонзор район, Нурхон кўчаси, 21-уй (7, 9, 13, 16-троллейбуслар, 2, 3, 33, 34, 50, 54, 84, 131-автобусларнинг «Волгоград» кўчаси бекати. «СССР 50 йиллиги» метро станцияси). Телефонлар 77-10-56, 77-10-33, 77-13-79.

226-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги мутахассисликлар бўйича

Самолётга хизмат кўрсатувчи электромонтёр, сонли бошқариш программасида ишловчи станоклар токари, электр-газ пайвандчи, универсаль фрезерчи, моделчи дурадгор, сонли бошқариш программасида ишловчи станокларни созлаш бўйича электрончи, ингувчи слесарь, слесарь-сантехник-газпайвандчи, саноат асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь.
Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотли йигит ва қизлар қабул қилинади.
Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.
Группалар спортга мойиллик нуқтаи назаридан комплектланиб, ўқишга кириш вақтида разрядчи-спортчилар алоҳида имтиёзлардан фойдаланадилар.
Билим юртига қабул қилинган ўқувчилар бепул овқат, спорт формаси ва иш кийимлари билан таъминланадилар.
Билим юртида ўқиш муддати — 10 синф маълумотидагилар учун 1 йил, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун 3 йил.
Ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақидан 33 процент, 10 синф ҳажмида маълумотли ўқувчиларга эса ойига қўшимча 35 сум стипендия тўланади.
Билим юртида тайёрлов курслари ишлаб турибди. Билим юртини муваффақиятли тамомлаган ўқувчилар (оитирувчиларнинг 10 проценти) келгусида политехника институти, физкультура институти, авиация техникуми, индустриал техникуми, шунингдек учувчилар билим юрти, граждан авиацияси институтида ўқишни давом эттиришлари мумкин. Қолган барча ўқувчилар ишлаш учун В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига юборилдилар.
Автомобиль ҳаваскорлари учун автомобилни ўрганиш бўйича техника группаси ташкил этилади. Билим юртида автокабинет мавжуд бўлиб, у энг замонавий техника асбоблари билан жиҳозланган. Чунончи, картингистлар группаси мавжуд.
Тикиш-бичишни ўрганишни ҳоҳловчилар учун тикиш ва бичиш синфи ташкил этилган. Музика ва қўшиқни севувчилар учун бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилган.
Билим юртида катта спорт комплекси мавжуд: стадион, спорт зали, курашнинг ҳамма турлари бўйича (жумладан каратэ) спорт секциялари ишлаб турибди. Ўқувчилар спортнинг ўйин турлари: баскетбол, волейбол, футбол, отиш секцияларида қатнашишлари мумкин.
Авиация ишини севувчилар учун авиамодель тўгараги, фотокино ҳаваскорлар тўгараги, радио ва телевизор тузатиш ишлари бўйича тўгараклар мавжуд.
Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Ҳамза район, Лисунов кўчаси, 1-квартал, 82«а»-уй (8, 48, 80-автобусларнинг «Поликлиника» бекати).

ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ СИСТЕМАСИДАГИ БИЛИМ ЮРТЛАРИГА КИРИШ УЧУН ҚАБУЛ КОМИССИЯЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ЛОЗИМ:

ҳунар-техника билим юртига кириш ҳақида билим юрти директори номига танланган касбингиз кўрсатилган ариза, ўрта мактабни битирганлик ҳақидаги ҳужжат (гувоҳнома ёки аттестат), медицина справкаси (286-форма), 3 та фотосурат (3х4 см.), корхона ёки ташкилотнинг йўлланмаси (ўқишга ташкилотлар томонидан юборилаётган шахслар учун).
Билим юртига келиши билан ўқишга кируувчи ўз паспорти, ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома (ҳарбий хизматга чақирилиш ёшилаги шахслар учун), ҳарбий билет (запаслаги ҳарбий кишилар), бу ҳужжатлар ўқишга кирувчининг шахсий делосига ёзиш учун талаб этилади.
Билим юртига кириш ҳақида ариза берган шахс танланган касби бўйича ишлаш учун соғлиғи ва жисмоний ҳолати яроқлилигини аниқлаш учун медицина кўригидан ўтади.

КИНО

6 ИЮЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ҲАММА НАРСАДАН АЗИЗ» — Қозоғистон.
«КПСС XXVI СЪЕЗДИДА (1—2-сон) — Узбекистон ССРнинг 25 йиллиги номли.

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТУМАНДА ЭШИТИЛГАН ИККИ ГУДОК» — Узбекистон ССРнинг 25 йиллиги номли (жуфт соатларда), Тинчлик (жуфт соатларда).
«БУГДАН ВИСЛАГАЧА» — Лисунов номли (тоқ соатларда).
«ЧЕТ ЭЛ МАРКАЗИНИНГ ЭМИССАРИ» — Искра (17.20 да, телефон 39-14-59).
«ТАРСАКИ» — К. Ерматов номли (жуфт ва тоқ соатларда).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

СССР БЎЙЛАБ ГАСТРОЛЛАР
Тошкентда биринчи марта
ГДР Давлат цирки—«БЕРЛИН»

«БУШ—81»



ПРОГРАММАДА: **аттракционлар паради — бешта ҳинд фили, Норвегия отлари, айиқлар ревюси, йўлбарслар, илонлар, бўғма илонлар, ГДР циркининг етакчи артистлари ижросида чавандозлик олий мактаби ва цирк санъатининг ҳамма жанрлари намойиш қилинади.**
МАСҲАРАБОЗЛАР ЮМОР ВА КУЛГИ УЛАШАДИЛАР.
ПРОГРАММАЛАРГА ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ЭСТРАДА ОРКЕСТРИ ЖЎР БЎЛАДИ.
Томошалар ҳар куни соат 16.00 ва 19.30 да бошланади.
Олдиндан билет сотиш кассаси очиқ. Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.
Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.
44-35-91 телефон номери бўйича справкалар олиш мумкин.

КИРОВ РАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕСТИ
МАКТАБ-ОШХОНАГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
МАШҒУЛОТЛАР 1-СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ
Мактаб-ошхона Киров районидаги энг яхши ошхоналар ва кафеларда ишлаш учун 3-разрядли ошпазларни тайёрлайди.
Ўқиш муддати — 11 ой.
МАКТАБ-ОШХОНАГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Мактаб-ошхона замонавий 3 қаватли бинога жойлашган бўлиб, замонавий иситиш ва совутиш қурилмалари ва таълимнинг технологик воситалари билан жиҳозланган, Мактаб-ошхона ҳузурида ишчи-ёшлар мактаби мавжуд.
Ўқиш даврида ўқувчилар махсус кийим, ҳамда 54—63 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар. Мактаб-ошхонани битирганлар 3-разрядли ошпаз квалификацияси берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома оладилар.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Киров райони, Темирязев кўчаси, 28-уй (22, 23, 3, 29-трамвайлар, 19, 47-автобусларнинг «Темирязев кўчаси» бекати).

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

«ТАШХЛЕБТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДА
нон ишлаб чиқариш корхоналарининг вакиллари иштирокида 7 ИЮЛЬ СОАТ 11.00 ДА
ҲАРИДОРЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ ЎТКАЗИЛАДИ
Сизнинг истак ва таклифларингиз келажакда инобатга олинади.

«ТАШХЛЕБТОРГ» МАГАЗИНЛАРИНИНГ АДРЕСИ:
19 — Пушкин кўчаси 35-уй.
37 — Ц — 4, 29-уй.
38 — Т. Шевченко кўчаси, 8-уй. («Украина» магазини ёнида).
39 — Сергели, 3-уй. (савдо маркази).
75 — Гагарин кўчаси, 66-уй.

ХАРИДОРЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ ХАРИДОРЛАР ТАЛАБИНИ ЎРГАНИШ ВА ТЎЛИҚ ҚОНДИРИШ МАҚСАДИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

«ТАШХЛЕБТОРГ»

ЯНГИ МАГАЗИНГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ



«СЕРГЕЛИ» САВДО МАРКАЗИ ҚОШИДА ЯҚИНДА ОЧИЛГАН «ТАШХЛЕБТОРГ»НИНГ ЯНГИ 39-МАГАЗИНИ САВДОСИДА ДОИМ ИССИҚ НОНЛАР БОР.

2-СЕРГЕЛИ ВА 3-СЕРГЕЛИ МАССИВЛАРИНИНГ АҲОЛИСИ БУ ЕРДАН ҚАНД, ҚАНДОЛАТЧИЛИК ВА БАҚОЛЛИҚ ТОВАРЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШЛАРИ МУМКИН.
Магазин соат 8.00 дан 20.00 гача дам олиш кунисиз ишлайди.
Танаффус — соат 13.00 дан 14.00 гача.
39-магазин адреси: 3-Сергели массиви (58, 75-автобуслар, 15-троллейбуснинг «2-Сергели» бекати).
ЯНГИ МАГАЗИНГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

«ТАШХЛЕБТОРГ».
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

6 ИЮЛЬ — ДУШАНБА
Марказий телевиденининг «Восток» программаси.

17.45 «Ешлар адреслари». 18.45 «Менинг тупроғим». Телевизион музикали фильм. 18.50 «КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга!» 19.20 «Юность» ансамбли ижро этади. 19.45 «Пазухиннинг ўлими». Моссовет номли Давлат академик театри фильм-спектаклининг премьераси. М. Е. Салтиков-Шчедриннинг шу номли пьесаси асосида. 21.30 «Время». 22.05 Бокс бўйича Халқаро турнир. Финал. Гаванадан олиб кўрсатилади. 23.05 «Дунё воқеалари». 23.20 «РСФСРда хизмат кўрсатган артист А. Наседкин малади». Фильм-концерт.

Марказий телевиденининг тўртинчи программаси

17.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!» 20.30 Спорт программаси: Дзюдо бўйича СССР чемпионати. Минскдан олиб кўрсатилади. 20.55 Социалистик мамлакатлар ўртасида парашют спорти бўйича чемпионат. Вильнюсдан олиб кўрсатилади. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». Мультфильм. 21.30 «Время». 22.05 «Тузоқ». Бадиий фильм.

Узбекистон телевидениесининг программаси
I

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Вилмасвой Қуёшли шаҳарда». Мультфильмлар. 18.30 «Еш куч». Мактаб ўқувчилари учун спорт кўрсатуви. 19.00 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Полкдошлар» (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Қишлоқ қаватлари». Ҳужжатли фильм («Узбектелефильм»). 20.00 «Бугун партиянинг иши». КПСС XXVI съезди қарорлари асосида идеология ишини янада такомиллаштириш тўғрисида. 20.30 «Ахборот». 20.50 Балет ёш артистларининг концерти. 21.15 «Озуқа ишлаб чиқариш резервлари». 21.30 Москва. «Время». 22.05 Қорақалпоғистон санъат усталари ва ижрочи ёшларининг Татаристон АССРда Қорақалпоғистон АССР адабиёти ва санъати кунларининг тантанали ёпилишига бағишланган концерти. А. Навоий номли Давлат академик Катта театридан трансляция пайтида ёзиб олинган. 23.45 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильм. «Ҳужрадаги ёнғин». 19.00 «Советлар мамлакатининг кишилари». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Онам, отам, ҳаммамиз ўн иккитамиз». Телефильм. 20.50 Абитуриентлар учун. Математика.

7 ИЮЛЬ — СЕШАНБА
Марказий телевиденининг «Восток» программаси

9.00 «Время» 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 М. Е. Салтиков-Шчедрин. «Пазухиннинг ўлими». Фильм-спектакль. 11.50 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг РСФСР халқ артисти Н. Кутузов раҳбарлигидаги рус қўшиқлари академик хори ижросида совет авторларининг қўшиқлари. 12.20 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 СССР билан Руминия Социалистик Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида Шартнома имзоланганлигининг йиллигига. Кинопрограмма. 15.40 А. Бородин. 2-квартет. Д. Д. Шостакович номли Давлат квартети ижро этади. 16.10 «Мураббий». Телевизион журнал. 16.40 «Марказий телевидение экранида биринчи марта». «Энг чиройли тулпор». Бадиий фильм. 18.00 «Мамлакат далаларида». Литва ССР хўжаликларида мелиорациянинг самарадорлиги тўғрисида. 18.15 «Моҳир қўллар». 18.45 «Фан оламида» 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 20.15 «Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги». Союзлар уйининг Колонна залида СССР Ёзувчиларининг VII съездига бағишланган шеърият кечаси. 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» (М) — «Спартак» (М). В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.45) — «Дунё воқеалари».

Узбекистон телевиденниесининг программаси
I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Тошкент шаҳри 27-музика мактаби талабаларининг концерти. 19.00 КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! «Бригада пудрати — амалга». Кўрсатувда «Узсофпроф» раиси Н. М. Маҳмудова иштирок этади (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Шеърият билан учрашув». О. Матжон. 20.30 «Ахборот». 20.50 Т. ва С. Боймуродовлар концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Ғалла—ризқ-рўзи миз». 22.25 «Партком секретари». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.). 23.30 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильм. «Тимсох Гена». 19.00 Абитуриентлар учун. Физика. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Циклон тунда бошланади». Телевизион бадиий фильм (рус.).

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти коллективи институт ходими Х. Алиевага укаси

Абдунарим АЛИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

4 ТОШКЕНТ бет. ОҚШОМИ

6 ИЮЛЬ, 1981 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»), —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат —33-57-02, бўлимлар: партия гурмуши—22-53-66; саноат—32-53-83; қурилиш— 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83, совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари —32-53-10, адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот—33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—33-55-32; хатлар —33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-84, нашриёт телефон станциясининг навбатчилари— 39-90-50.

Р — 07238. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64581. В — 2155.